

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих ва маданий мерос факультети

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси**

Н.О.Жўраева

**ЭТНОМАДАНИЯТ ВА МИЛЛИЙ
ҒОЯ МУШТАРАКЛИГИ**

(услубий қўлланма)

“ДУРДОНА” НАШРИЁТИ

БУХОРО-2018

84(5Ў)7

Ж 78

Жўраева Н.О.

Этномаданият ва миллий ғоя муштараклиги [Матн]: услубий қўлланма / Н.О.Жўраева. - Бухоро: Дурдона нашриёти, 2018. – 64 б.

КВК 84(5Ў)7

Мазкур услубий қўлланма Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳамда миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабалари учун мўлжалланган

ISBN 978-9943-5389-9-3

Масъул муҳаррир:

С.С.Раупов

Тақризчилар:

Г. Юнусова- БухМТИ, ф.ф.н., доц.

Р.Э.Қиличев- БухДУ, т.ф.н., доц.

Ушбу услубий қўлланма Бухоро давлат университети ўқув-методик кенгашининг 2018 йил 15 сентябрдаги 4-сонли йиғилиш баённомаси қарорига биноан чоп этишга тавсия этилган.

ЭТНОМАДАНИЯТ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ МУШТАРАКЛИГИ

1. Миллий ғояда маънавий қадриятларга эга бўлган этнос борлиғи моҳиятининг ифодаланиши. Социализм даври халқлари онгида миллий ғояга муносабат
2. Миллатлараро муносабатларда майда миллат ва элатлар манфаатлариниҳимоя қилишнинг аҳамияти.
3. Департация қилинган халқлар онгида этномаданиятга муносабат.Этнос миллийлигининг умуминсонийлик билан мутаносиблиги.
4. Миллатлараро муносабатларда барқарорлик тараққиёт омили.Этномаданий жараёнларда толерантликнинг ифодаси.
- 5 Маданиятлараро мулоқот минтақавий конфликтларни ечиш омили.Этноэтикетда ахлоқий тасаввурларнинг ифодаланиши

1.МИЛЛИЙ ҒОЯДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ЭТНОС БОРЛИҒИ МОҲИАТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.СОЦИАЛИЗМ ДАВРИ ХАЛҚЛАРИ ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯГА МУНОСАБАТ

Илмий адабиётларда “этномаданият” тушунчасини “маданият” (лотинча султура-ерни қайтаишлаш, тарбия, маориф, ривожланиш) категориясиорқалиталқин этишшаклланган. Тўғри баъзи адабиётларда мазкур тушунчанинг этимологик мазмунига бошқача ёндашишлар ҳам мавжуд. Маданиятнинг субъекти инсон ,гуруҳ ,жамият ,миллат,халқ ,пировард мақсади эса мазкур субъектларнинг камолоти. Шунинг учун ҳам фалсафий-адабиётларда маданиятга халқнинг, миллатнинг,жамоанинг, ногенетик хотираси деб қараш мавжуд. Яъни, маданият инсон, халқ, миллат, жамият томонидан яратилган табиий борлиқдан фарқ қилувчи сунъий олам –артефакт; ногенетик хотирадир бу этномаданиятга ҳам таалуқли фандир.Бу этномаданиятга ҳам таалуқли таърифдир. Этномаданият ижтимоий тарихий воқеъликдир.Артефакт халқ ,миллат томонидан яратилган сунъий олам. Артефактларни ўрганувчи илм соҳаси, назария. Ушбу икки ёндашув турли фаолият соҳаларини ифода этади ва улар турлича шаклланган.

Масалан, этномаданият артефакт сифатида энг қадимги даврларга инсоннинг ён-атрофни табиатни ўзлаштиришга киришган даврларига бориб тақалади. Этномаданият назарий илму фан соҳаси сифатида 19 асрда пайдо бўлди. Аммо, этномаданият назарияси фани артефактларнинг генезисидан ўзига тадқиқот объектларини қидиради. Бу табиий ҳолдир, чунки ҳар бир этномаданий бойлик негизида халқнинг, миллатнинг узоқ ижтимоий–тарихий жараёнларга бориб тақалувчи тажрибаси мавжуддир.

Ранг-баранг мураккаб ҳодисаларни тадқиқ қилиш уларнинг гуруҳлаштиришни- классификациялашни талаб этади. Этномаданиятни даврлар функцияси хусусиятлари концептуал ғоялар нуктаи назаридан классификация қилиш мумкин, бизнинг фикримизча, этномаданиятни этнослар, миллатлар ҳаётида муҳим рол ўйнаган, уларнинг фалсафий-бадиий, эстетик, ахлоқий жиҳатларга катта таъсир кўрсатган ижтимоий- тарихий ва маданий–ахлоқий парадигмалардан келиб чиқиб классификациялаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур концепцияни қуйидаги йўналишларда ифодалаш мумкин.

1. Конфуцийлик-даоизм
2. Ҳинд-буддавийлик
3. Исовийлик (Ғарбона)
4. Ислом(шарқона)
5. Глобаллашув(интегратиф)

Этномаданият атамаси икки иборадан ташкил топган бўлиб: этно ва маданият сўзлари қўшилмасидир. «Этнос» сўзи илк бор қадимги грек тилидаги манбаларда учрайди.¹ *Этно*– юнон сўзи- элат, халқ демакдир ва шу билан бирга, маълум бир элат ёки халққа бўлган ишора. Бу ибора бирор халқнинг келиб чиқиши (этногенез)ни ифодалайди. Бундай тарзда биз ўзбек халқининг келиб чиқиши, унинг этногенези (уруғчилик, насл)ни тушунишимиз керак. Шу билан бир вақтда *этно* ибораси кўпчилик илмий-назарий манбаларда: *Этнография*– халқларнинг келиб чиқиши, турмуши, моддий ва маънавий маданиятини ўрганадиган фан сифатида бўлиб бирор халқнинг турмуши,

¹ А.Аширов Этнология.Т.2014.-б.16

маданияти ва урф-одатларига хос бўлган хусусиятларини ҳам кўрсатади. *Этноним* тушунчаси ҳам мавжуд, бу халқ номи ёки халқ номини ифодаловчи атамадир. Бу сўзни янада мукаммаллаштириш мақсадида *Этнонимка* ибораси ҳам ишлатилиб лексикологиянинг халқ, қабила ҳамда уруғчилик номларини ўрганишга қаратилган бўлимига айтилади. *Этнограф* иборасини ҳам биз кундалик ўқув жараёнида қўллаймиз ва бу иборада биз этнография фани бўйича фаолият кўрсатадиган мутахассисни тушунамиз. Эътиборингизни *этнография ва фольклор* фанига қаратиб у:

1. Халқларнинг келиб чиқиши, турмуши, моддий ва маънавий маданиятини;

2. Оғзаки, ёзма ҳамда мусикий ижодини ўрганадиган фан эканлигини тушунамиз. Шундай қилиб, биз юқоридаги таърифларга қаратилган барча илмий- тарихий асосларга таянган ҳолда *Этномаданият* фани асосларини қуйидагича изохлаймиз: **Этномаданият бирор халқнинг келиб чиқиши (бу борада ўзбек халқи), унинг маданияти, турмуш тарзи, маънавий-маърифий хусусиятларини тарихий жараён (давр)ларда раванқ топиб ҳозирги кунимизгача ривожланиб келаётган маънавий ҳамда маданий меросини ўрганадиган фандир.**¹

Маданият ибораси арабча *Мадина* (шаҳар, кент) сўзидан келиб чиққан экан.² Шаҳар маъносида келган маданият сўзининг талқини кишилар ҳаётини иккитурдаги кўриниши, яъни *кўчманчи-дашту-сахроларда* яшовчи халқлар ҳамда *шаҳарда яшаб, шаҳарга хос турмуш тарзида* яшовчи халқларга нисбатан ишлатилиб келинган. Маданият тушунчаси *кенг маънони англатиб* жамият ва инсон тарихий тарққиётининг муайян бир даражаси, кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек улар яратган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. Маданият тушунчаси муайян тарихий даврлар, ижтимоий-иқтисодий формациялар, масалан, *антик маданият, социалистик маданият*, шунингдек инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари, масалан *меҳнат маданияти, диний маданият, санъат маданияти, турмуш*

¹Собирова Мархабо Этномаданият (маърузалар матни)Т., 2015 йил. 9-бет.

²Ватан туйғуси. Тошкент, "Ўзбекистон" 1996 й. 114-115б.

маданиятини изоҳлаш учун қўлланиб келинади. Агарда бу сўзни тор маънода ишлатадиган бўлсак бу атамани кишиларнинг фақат маънавий ҳаёт соҳасига нисбатан мансублигини кўрамиз.

Миллий ғоя, этномаданият каби миллий ва умуминсоний кадриятлар тушунчалари ҳам мавҳум нарсалар эмас. Ғоялар ҳам мазамонларда ҳам долзарб сиёсий-ижтимоий масала ҳисобланиб, жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, халқни маънавий-руҳий жиҳатдан тарбиялаб келган.

Мустақил ҳаётга кадам қўяётган янги авлод жамиятдаги мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида, янги ғояларни яратади ва тарғиб этади.¹

Ғоявий жараёнлар инсоният, жамият тарихий тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Инсоният тарихида ғоя ва миллий ғояларнинг ўрни бекиёс. Ўз ўрнида ғоявий жараёнлар ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар билан бевосита алоқадор. Ғояларнинг муайян бир давлатчиликнинг шаклланиши ва тараққиётида, илмий тафаккур ривожига алоҳида ўрни бор.²

Изланишларнинг натижаси сифатида ўтган асримизда атом кашф қилинди. Бу кашфиёт инсониятнинг олам тузилиши тўғрисидаги тасаввурларининг бутунлай ўзгаришига олиб келди. Бугунги кунда ҳам янгидан янги кашфиётларнинг яратилиши ҳам аввало муайян бир ғояларнинг шаклланиши билан боғлиқдир.

Инсоният тарихидан маълумки, ҳар бир давлат ва халқнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади уни амалга оширишда жамият аҳлини бирлаштирадиган, сафарбарликка ундайдиган миллий ғоя бўлмаса у муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум бўлади. Инсон камолотини фикрсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, жамият тарихини ҳам ғоя ва мафкураларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ғоя ва мафкура, айниқса, миллий ғоя бирданига қисқа муддатда пайдо бўладиган ҳодиса эмас. Аслида гуё бирданига пайдо бўлгандай туюлган ғоя замирида ҳам онгнинг кўп асрлик тараққиёти ётади. Шу жиҳатдан қаралганда миллий ғоя узок жараёнларнинг ҳосиласи бўлиб, ўзида халқнинг тарихи,

¹ Собирова Мархабо Этномаданият (маърузалар матни) Т., 2015 йил. 11-бет.

² Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. Т., 2000. – В. 59.

дунёқараши, мақсад ва интилишлари, маънавиятини мужассам этади.

Миллий ғоя ва мафкура ҳар бир фуқаро онги ва шуурига чуқур таъсир қилиб унинг оила, маҳалла, жамият, давлат, халқ олдидаги бурч ва маъсулияти қай даражада адо этилаётганини назорат қилиб туради.

Миллий ғоя–миллаттафаккурининг кўп асрлик маҳсули ва давр тақозоси билан такомиллашиб борувчи узлуксиз ҳодисадир. Фалсафада, фикрляпман, демак яшаяпман, деган ҳикмат бор. Миллий ғоя–инсон ва жамият ҳаётига маъно–мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи, халқ ҳаётининг фикрий ифодасидир.¹

Ҳар қандай тушунча, фикр ва қараш ҳам миллий ғоя бўла олмайди. Чунки шахсий фикр ўзига хос бир қарашдир. Аммо у ўсиб, ижтимоий фикрга айланиши мумкин. Бошқача айтганда, фикрсиз ғоя йўқ. Ижтимоий фикр эса–воқеликка нисбатан ўзгариш ёки ҳаракатни тақозо этадиган фаол муносабатни ифодалайди. Ғоя ана шу муносабатни ҳаракатга, жараёнга, зарурат туғилганда эса, бутун бир давр тарихига айлантиради. Мақсад эса – халқни, миллатни бирлаштирувчи, унга куч-қудрат, руҳий озуқа берувчи, истиқболга бошловчи байроқдир. Юртбошимиз фикрлари билан айтадиган бўлсак, «Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлантирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни халқ, миллатни миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин!» Ҳозирги воқеликда Миллий истиқлол ғояси ва мафкуралар орасидаги муносабатлар мафкуравий кураш, мафкуравий қаршитуриш, психологик уруш шаклларида кечмоқда. Ёт мафкуралар мафкуравий курашларнинг минг йиллик услубларини, шунингдек, замонавийлаштирилган услублари: ахборотмайдонини эгаллаб олиш; мафкуравий диверсия, сиёсий индоктринация, мафкуравий инфилтрация,

¹Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. T, 2000. – B. 59.

дезориентация, мафкуравий кўпорувчилик ҳаракатларини кўллаш орқали халқимизда Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишончсизлик уйғотишга, давлат сиёсатини обрўсизлантиришга, одамларнинг ўзини Ватан, миллат ҳимоясидан четга тортишга, лоқайдликка эришишга интиладилар. Бунда улар бирор хусусий фактни умумлаштириш, ёлғонниҳақиқатгаўхшатибтасвирлаш, кичик муаммодан катта ёлғон яшаш, бир нарсани такрорлайвериш, туйғуни ақлдан устун кўйиш, тингловчининг шахсий манфаатни биринчи ўринга кўйиб, (унга дўст бўлиб кўриниш) «ҳасратлашиш», ҳукуматларни халқларга ёмон кўрсатиш, миллат душманларига раҳмдиллик, ҳамфикрлик туйғуларини уйғотиш, масалан одамларга таниш, кадрдон маълумотларни ишлатиб, (фалон жойда фалон воқеа бўлди), деб ростга ёлғонни улаб юбориш услубларидан мафкуравий курашда фойдаланаяпти.¹

Ҳар қандай жамият бундай маккор таҳдидларни енгиши учун ўзида огоҳлик, мафкуравий хавфсизлик, тўқислик, жанговарлик, сафарбарлик, умуммиллий бирлик каби ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак. Бунинг учун Миллий истиқлол мафкурасининг ёт мафкураларга қарши кураш услублари, жумладан, бузғунчи ғоялар моҳиятини фош қилишга қаратилган тарғибот, мафкуравий мониторинг ва таҳдидлар моҳиятини халқимиз онги ва қалбига етказиш, жаҳолатга қарши маърифат тарқатиш услубларидан доимо ва ҳамма жойда фойдаланиш тақозо қилинади.

Собиқ совет мустабид тузуми даврида ёшавлодлар онгини коммунистик тарбия ўз исқанжасида тутди. Коммунистик мафкура инсонлар онги ва қалбини эгаллаган эди.

Этносларнинг миллатларнинг ижтимоий ҳаётида диний, маънавий ахлоқий, парадигмалар муҳим рол ўйнаган шунингучун этномаданиятнинг ўзига хос жиҳатларини фалсафий тадқиқ этишда мазкур парадигмаларга асосланиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бироқ охириги йўналишни диний, маънавий, ахлоқий парадигмалар қаторига киритиш қийин, чунки глобаллашув диний қадрият ҳам эмас, маънавий ахлоқий

¹ СобироваМархабоЭтномаданият (маърузалар матни)Т., 2015йил. 11-бет.

парадигма ҳам эмас, шунинг учун уни этномаданиятларга таъсирини асослашимиз лозим. Миллий ғоя—миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга ҳизмат қиладиган ижтимоий ғоя шаклидир. У бевосита инсонларнинг ўзлигини англаш билан боғлиқ.

Миллий ғояда маънавий қадриятларга эга бўлган этнос борлиғи ифодаланади. Ўзбек халқининг: “Етти бобони билган эр, етти юртнинг ғамин ер” деган ҳикмати бор. Бу эса ўзаждодлари ва уларнинг тарихини билиш демакдир. Демак, миллий ўзликни англаш, аввало, ўз халқининг тарихини, асрий анъаналарини билиш, ўз этник илдизларини таниш билан боғлиқ.

Миллий ўзини англаган халқ ўзининг бошқа миллатлар ичида бирортасидан кам ё ортиқ эмаслигини, бу замин барча инсонлар учун умумий маконлигини, инсон ҳаёти унинг барча буржларида энг олий қадриятлигини тушуниб етади. Бу эса умумбашарий ўзликни англашнинг айнан ўзидир.

Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар Францияни босиб олганда “қаршилик кўрсатиш” ғоясининг миллий ғоя даражасига кўтарилгани ва Франциянинг озод этилиши миллий ғоянинг жуда қисқа муддатда ҳам улкан аҳамият касб этишига мисол бўла олади.

У ёки бу ғоянинг миллий ғоя сифатида майдонга чиқиши миллатнинг ўтмиши, мавжуд ҳолати билан бевосита боғлиқ.

Биз баъзан ойнаи жаҳон орқали қандайдир сабаб билан хотирасини йўқотган кишилар ҳақидаги фильмларни кўриб қоламиз. Улар ота-онаси у ёқда турсин, ҳатто ўз исмларини ҳам унутиб, фақат шаклангина одам, аслида аянчли жониворларга айланиб қоладилар. Энди хотирасиз халқни тасаввур қилинг. Бу чинакам фожиадир. Хотира шахс учун ҳам, халқ учун ҳам бебаҳо неъматдир. Ҳар қандай хотирада, ҳатто ёш бола ёдида ҳам тарихийлик элементлари бўлади. Тарихийлик хотиранинг таянчидир. Шу сабабли босқинчилар доимо халқнинг хотирасини, яъни тарихини йўқотишга ҳаракат қилганлар. Чунки хотирасиз халқ манқурт бўлади. Буйруқ берилса бас, ўзини ўзи

қира бошлайди.

Тарихий хотира – инсон маънавиятининг ажралмас қисми, ўтмишни билиш, уни қадрлаш, ундан сабоқ олиш натижасидир. Буборада Президент Ислом Каримовнинг “Тарихий хотира сиз келажак ўқ” номли асарикатта аҳамиятга эга. Унда ўтмишга холис ёндашиш, уни қадрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди, уларни дилга жо этиб, бунёдкорлик ва яратиш йўлидан изчил боришга ундайди.¹

Буюк мутафаккир Беруний таъкидлаганидек, “ўтмиш келажакнинг калитидир”. Уни билиш имконига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллик туфайли халқимиз тили, маданияти, урф- одатлари, анъаналари, кадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўз тарихини мукамал билиш имконига эга бўлди.

Тарихий хотира қанчалик бой, мазмунли бўлса, халқ шунчалик уюшган, ҳамжиҳат, улуғвор ишларни бажаришга қодир бўлади. Тарихий хотиранинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири ўтмишидан фахрланиш туйғусидир.² Дунёда ҳудуди Ўзбекистондан бир неча марта катта бўлган баъзи давлатлар ҳам, аҳолиси ўтроқ бўлиб яшашни бошлаган мозийнинг азалийлиги, ўнлаб шаҳарларининг тарихи 2500 йилдан ортиқроқ эканлиги билан ғурурлана олмайди.

Ўзликни англаш ва тарихий хотира бир-бири билан узвий боғлиқдир. Ўзини англаган одам аждодлари, халқи билан ғурурланганидек, тарихни яхши билган шахс, шубҳасиз, ўзини ҳам теран тушуниб боради. Бир сўз билан айтганда, тарих шундай манбаки, у инсоннинг ўзини англаши, жамият олдидаги бурчи, аждодлар руҳи олдидаги масъулиятини тўғри тушунишига, истикболни тўғри белгилашга имкон беради.

Миллий ғоя ва этномаданиятнинг узвийлиги шундаки, уларнинг ҳар иккиси ҳам миллий-маънавий кадриятларга асосланади. Ўзбек халқининг чақалоқ туғилгандан бошлаб, инсонни сўнгги йўлга кузатишгача бўлган асрий ажойиб одатлари, кадриятлари борки, уларнинг ҳар бирига кўплаб

¹ Ислом Каримов “Тарихий хотира сиз келажак ўқ” Т., 1998. 14-б.

² Собирова Мархабо Этномаданият (маърузалар матни) Т., 2015 йил. 11-бет.

мисолларни келтириш мумкин. Масалан, халқимизнинг содда тилида ўзбекчилик деган сўзи бор. Бу бизнинг миллийлигимизнинг асоси бўлиб, халқимизга хос хислатлар мажмуаси, характерини англатади.

Халқимизнинг миллий ўзига хослиги, оилага муносабат, жамоавий турмуш тарзи, яъни маҳаллачиликда ҳам алоҳида сезилиб туради.

Фуқаролик жамияти шаклланишининг дастлабки сиёсий институти родини ўйнайдиган оила хусусида қисқача тўхталадиган бўлсак, оилада жамиятга хос бўлган типик хусусиятлар ва вазиятлар ўз инъикосини топади. Оилада ҳар бир болага қадриятлар тизими – нима яхши-ю нима ёмонлиги, қайси хатти – ҳаракати маъқул, қайсиниси номаъқул, қайси фикр маънилию, қайси бири бемаъни эканлиги тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар ота - она, яқин қариндош - уруғ, қўни – қўшни орқали сингдирилади. Бундан ташқари, айнан оилада ҳокимият ва обрўилик, яъни “авторитет” тўғрисидаги, сиёсий онгга алоқадор бўлган, сиёсий маъданият ва ҳуқуқни ифодаловчи тасаввурлар ҳам куртак топади. Бир қарашда оддий туюлган эр ва хотиннинг никоҳга бўлган муносабати, уни қадрлаши бола илк ёшлиқдан оилани, оиладаги бурч ва масъулиятнинг моҳиятини теран тушуниб боришга имкон беради. Бундан ташқари умумхалқ референдумлари, сайловлар, сайловолди жараёнларига муносабат, бунда ота-онанинг фаол ва онгли иштирок этишининг ўзи илк ёшдан мурғак қалбда шу жамият ва ундаги сиёсий ҳаётнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси бўлиши мумкинлиги ҳиссини тарбиялайди. Жамиятнинг манфаатлари кенг қамровли бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг турфа қизиқишлари, эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бу ҳолат унинг ҳақ-ҳуқуқлари кўплигини келтириб чиқаради. Буни биз бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлар фаолиятида кўриб турибмиз.

Мустақиллик йилларида маҳаллага тарихда кўрилмаган даражада эътибор кучайиб, ўз-ўзини бошқарувчи ташкилот сифатида ҳақ-ҳуқуқлари ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Ўзбек халқи қадим замонлардан буён жамоавий турмуш тарзида яшаб келган. Кишилар, оилалар муаммолари маҳалланинг кўпни кўрган оқсоқоллари, онахонлари ёрдамида ҳал этилган. Жамоавий турмуш тарзи жамият тараққиётига ҳам

кучли таъсир кўрсатган. Хусусан, теурийлар даврида шаҳарларда турли хунар эгалари маҳалла-маҳалла бўлиб яшагани жамиятни иқтисодий, маънавий жиҳатлардан жуда юксалтирган. АмирТемур сиймосида ўзбекларнинг бугуни келажакдаги салоҳиятини кўриш мумкин¹.

СОЦИАЛИЗМ ДАВРИ ХАЛҚЛАРИ ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯГА МУНОСАБАТ

Тарихдан маълум бўлган мустабид тузумларни қиёсий таҳлил этиш улар амал қилган мафкураларнинг қуйидаги умумий хусусиятларини ҳамда бу ғояни амалга ошириш билан боғлиқ қатор салбий оқибатларини аниқлаш имкониятини беради. Аввало, мустабидчилик мафкуралари ўз давлатларида ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларини тўлиқ қамраб олишга, ягона дунёқараш тизими ҳукмронлигини ўрнатишга интилдилар. Бу мафкуралар буюк ва ёрқин ўтмишни инкор этадилар.

Улар жамиятни инқилобий йўл билан ёппасига қайта тузиш зарур ва уни амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Ўзларигача бўлган миллий маданий мерос ва қадриятларнинг барчасини ёҳуд кўпчилигини бекор қилиб, уларни фақат ўз тамойиллари билан алиштирадилар. Масалан, собиқ Иттифок даврида ягона коммунизм мафкураси ана шундай ҳолга тушган эди. Унинг асосий ғоялари собиқ шўролар ҳокимияти раҳбарлигида зўрлик билан амалга оширилди. Натижада бу мафкура якка ҳукмрон бўлиб қолган эди. У XXасрнинг 80-йилларида таназзулга юз тутди. 1991 йилда собиқ Иттифок тарқалиб кетиши билан узил-кесил инқирозга учради. Бунинг сабаблари нималардан иборат? Буларнинг барчаси большевистик – ягона коммунистик мафкуранинг тараққиёт талабларига мутлақо зид эканини яққол намоёнэтди. Шу боис у янги замонавий талабларга дош беролмай, ўз давлати билан бирга тарихга айланди. Ягона мафкура ҳукмронлигини даъво қилиб, узок ўтмишга қайтишга чақирувчи ислом фундаментализми гўёки бундан мустаснодек туюлади. Бироқ, аслида бунда ҳам

¹ З.Хайтов Сохибқиронни англаш.// жамият ва бошқарув Т.2009.№1.19-б.

ўша андоза сақланиб қолади. Яъни, ислом фундаментализми тарих ғилдирагини ўрта аср жаҳолати даврига қайтариш ниқоби остида, бир хиллаштирган мустабид «келажак»нинг ўзига хос андозасини таклиф этадики, унда инсон фуқаролик ҳуқуқларидан тўлиқ маҳрум қилинади, ҳақиқатдан диний ақидапарастлик террорига дучор этилади.

Миллий ғоя руҳига ёт бўлган салбий хислатлардан бири - боқимандалик, лоқайдлик бўлиб, бу меҳнат кишиларининг ғайратини, ташаббусини бўғиб келган ўтмиш тузумдан мерос бўлиб ўтди ва ҳозир ҳам айрим кишиларнинг фаоллигига салбий таъсирини ўтказмоқда.

Мустабид тузум шароитида халқнинг кундалик онги, ижтимоий руҳияти билан расмий мафкура орасида кескин тафовут, зиддият вужудга келган. Мунофиқликка асосланган, яқка ҳукмронликни даъво қилган расмий мафкура реал ҳаётни, одамларнинг ҳис-туйғулари ва орзу-ниятларини акс эттирмай қўйган эди. Ижтимоий ондаги бу узилиш натижасида одамларда ички норозилик ортар, вазиятдан чиқиш йўли йўқлиги учун тушкунлик, умидсизлик кайфияти кучаярди. Айримлар бу сохта ғояга ишонарди. Миллий истиқлол ғоясининг муҳим вазифаси – келажакка комил ишонч, эркин ва фаровон ҳаётга умид ҳиссини тарбиялашдир.¹ Халқимиз азалдан ноумидликни, руҳий тушкунликни қоралаб келган. Миллий қадриятларимиз орасида борига шукур қилиш, йўғига сабр қилиш, ёруғ кунларни орзу қилиб, армонлар ушалишига ният қилиш устувор бўлиб келган. Қийинчиликлар олдида чекиниш, ғайрат қилиш ўрнига хасрат билан кун ўтказиш, пана-панада иғво-бўхтон тарқатиш миллий ғоя руҳига ёт, қадриятларимизга зид иллатлардир.

Миллий қадриятлар ўтмиш мустабид тузум шароитида тазйиқ ва таҳқирга учраган, уларга «эскилик сарқити», «ўтмишнинг қолдиғи» деган тамға босилганди. ҳатто, болани бешикка белаш, исириқ тутатиш, махси-кавуш кийиш, оёқни сандалда иссиқ тутиш каби беғубор одатлар ҳам шу таҳқирдан четда қолмаган.

Мустамлакачилик сиёсати сохта қадриятлар, бегона

¹Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. T, 2000. – B. 59.

таомилларни зўрлаб киритишга уринди. Халқимизнинг руҳи ва табиатига зид бўлган – ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик, беҳаёлик ва андишасизлик иллатлари илдиз ота бошлади. Миллий маънавий қадриятларни ҳимоя қилиш миллатчилик деб баҳоланди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги маънавий қадриятларни юксалтириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Миллий истиқлол ғояси бу қадриятларни тиклашни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Миллий истиқлол ғоясининг шакллантирилиши ва унинг ўқувчилар, талабалар, кенг аҳоли томонидан ўрганишга киришилиши мамлакатимиз маънавий тараққиётида алоҳида босқични ташкил қилади. Аслида миллий истиқлол ғоясининг негизлари чуқур. У халқимизнинг миллий маданий меросидан, эзгу ғояларидан озикланади. Лекин, бу ғояни ёшлар ва аҳоли онгига сингдириш учун муайян пойдевор керак эди. Яъни, аввало миллий қадриятларни, миллий маънавиятни тиклаш, миллий ғурурни уйғотиш, бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғояси томир отиши ва гуркираб ривожланиши учун замин тайёрлаш лозим эди. Мустақиллик қўлга киритилгандан буён ўтган давр ичида маънавият соҳасида улкан назарий, маърифий ва амалий ишлар бажарилди.

Маънавият ва маърифат кенгашлари тузилди, юзлаб мақола ва рисоалар нашр этилди, тадқиқотлар ўтказилди, таълим тўғрисида миллий дастур қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғоясини кенгтарғиб қилиш учун замин яратилди.

Миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда, бизнингча баъзан бир томонламаликка йўл қўйилмоқда. Бу ғояни тарғиб қилишда иштирок этаётган мураббий ва ўқитувчилар, тадқиқотчиларнинг чиқишларида, мақола ва рисоаларида маърифатчилик билан чекланиш кўзга ташланмоқда. Ҳолбуки, маънавиятни ривожлантиришда асосий ёндашув маърифий ёндашув бўлса ҳам миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда бу ёндашув билан чекланиб бўлмайди. Бу ҳол миллий истиқлол ғоясининг хусусиятлари билан боғлиқ.

Миллий ғоя жамиятни жипслаштирувчи, уни ижтимоий тараққиёт кўндаланг қўяётган масалаларни ҳал қилишга, четдан

бўлаётган ғоявий, маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган кучдир. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ана шу ғоягабўлган эҳтиёжни кескин кучайтиради. Аслини олганда глобаллашув жараёни бўлмаса, миллий ғояга ҳам эҳтиёж ошмас эди. Чунки, глобаллашув бўлмаганда ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имконият даражасида ривож топарди. Ташқи таъсир ва таҳдиднинг йўқлиги эса миллий ғояга эҳтиёжни ҳам долзарблаштирамас эди.

Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти шундаки, у одамлар онгида, хотирасида ғоялигича қолмай амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва маънавий ўзликни ташқи носоғлом мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади.

2.МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА МАЙДА МИЛЛАТ ВА ЭЛАТЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Миллий ғоя, этномаданият каби миллий ва умуминсоний қадриятлар тушунчалари ҳам мавҳум нарсалар эмас. Умуман, миллий қадриятларсиз умуминсоний қадриятлар ҳам бўлмайди. Умуминсоний қадриятлар миллий қадриятларнинг ўзига хос мажмуасидир. Масалан, ҳар бир миллат, халқнинг асл фуқароси ўз ватанини обод, халқининг эркин ва фаровон яшашини истади. Маълумки, бу миллий истиқлол ғоясининг бош мақсадидир. Шу боис миллий ва маънавий умуминсоний қадриятлар фуқаролик жамиятининг муҳим заминини ташкил қилади. Умуминсоний қадриятлар ўзининг мазмуни, моҳияти, кенг миқёсда амал қилиш, дунёдаги кўплаб халқлар, элатлар, миллатларнинг ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги ва истиқболдаги тараққиёти билан узвий алоқадорликда эканлиги, ўзида жаҳон цивилизациясининг яхлит ва бир бутунлигини ифодалаганлиги билан минтақавий, миллий қадриятлардан тубдан фарқ қилади.¹ Айтиш жоизки, миллий ва умуминсоний қадриятлар бир

¹ Назаров К. Қадриятлар фалсафаси. Т. 2010. 48-б.

- бири билан бевосита боғлиқ. Уларнинг ҳар иккаласи бир - бирига таъсир этади, бири иккинчисини тўлдиради, мазмунан ва моҳиятан бойитади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад, интилишларининг яхлитлиги, умумийлигини ифодалайди. Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларда барча миллат ва элатлар манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган. Ҳатто майда миллат деб эътироф этилган миллат вакиллари ҳам. Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади. Шу боис, бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш мақсади истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан биридир. У халқимизга бўлган олижаноблик ва инсонпарварлик фазилатларига асосланади. У дўстона муносабатлар устун бўлган шароитда ижтимоий тараққиётнинг омили сифатида майдонга чиқади. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари Конституциямизда «Ўзбекистон Республикаси ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб таъкидланган. Бу борада ҳаётимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Конституциямизнинг 18-моддасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, дини ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир», - деган қоида мустаҳкамланиб кўйилган.¹ Эътибор берилса, мазкур қоидада миллий ҳаётга, фуқароларнинг миллий ҳис- туйғуларига даҳлдор муҳим аҳамиятга эга бир қатор тамойиллар белгилаб кўйилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Биринчидан, фуқароларнинг миллий мансубликларидан қатъий назар қонун олдида тенглиги мустаҳкамланган;

Иккинчидан, фуқароларнинг диний, эътиқодий фарқларидан

¹Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 2015. 12-б.

қатъий назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги таъкидланган. Диний кадриятлар миллат маънавиятининг ажралмас қисми эканини инобатга оладиган бўлсак, мазкур қонданинг ҳаётӣ-амалий аҳамияти ойдинлашади.

Учинчидан, фуқароларнинг ирқий тенглиги қайд этилган. Ирқчиликдан ғайриинсоний мафкура ва амалиётнинг тарихимизда умуман кузатилмаганини алоҳида қайд этиш лозим. Аммо айрим минтақаларда тажовузкор миллатчилик ғоялари билан қуролланган айрим гуруҳлар диний ақидапарастлик ва ирқчилик қарашларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётганини ҳам унутмаслик зарур. Демак, муайян ҳолларда улар омухталашган шаклда ҳам чиқиши мумкин. Ахборот глобаллашуви кечаётган бугунги кунда турли ғоялар ҳеч қандай чегараларни тан олмай кириб келишини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу тамойилнинг аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Тарихий тажриба кўп миллатли давлатнинг барқарорлиги миллатлараро муносабатларга дахлдор ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри белгилаб қўйиш билан бир қаторда амалиётда унга қанчалик риоя қилишга ҳам боғлиқлигини кўрсатади.

3. ДЕПАРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАР ОНГИДА ЭТНОМАДАНИЯТГА МУНОСАБАТ. ЭТНОС МИЛЛИЙЛИГИНИНГ УМУМИНСОНИЙЛИК БИЛАН МУТАНОСИБЛИГИ

Ер юзида 6,5 миллиардга яқин аҳоли, 3 мингга яқин миллат мавжуд. Улар ўз қаторида инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96 фоизини бирлаштиради. Қолган 4 фоизи элатлар ва қабилалардир. Ҳар бир миллатнинг сони 10 мингдан бир неча юз минггача боради. Миллатлар сонжихатидан 5 тагуруҳга бўлинади:

1. Буюк миллатлар: аҳолиси ҳар бири 100 миллиондан ортиқ сонга эга.

2. Катта миллатлар: аҳолиси 50-100 миллион атрофида.

3. Йирик миллатлар: аҳолиси 10-50 миллион атрофида (Ўзбекистон ҳам)

4. Ўрта сонли миллатлар: аҳолиси 1-10 миллион атрофида.

Ер юзидаги 1600 дан ортиқ миллатдан бор-йўғи 200 га яқини ўз давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун уларнинг

манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, барча ижтимоий-гуманитар фанлар каби, тарих фанининг ҳам муаммоларига муносабат ўзгарди. 70 йилдан ортиқ вақт давом этган совет тузуми шароитида муҳим, мураккаб тарихий муаммолар устида эркин фикрлашга, тарихнинг ҳолисона ўрганилишига йўл қўйилмади. Тарихга янгича ёндашиш – тарихни чуқур, ҳолисона ўрганиш, тадқиқот натижаларини давримизнинг долзарб муаммолари билан боғлаб ривожлантириш, кишиларнинг янги дунёқарашини шакллантиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.” - деган назарий қонидани илгари сурди¹.

Ҳозирги даврга келиб тоталитар тузум, унинг қурбонлари, иллатлари, ёвузликлари натижасида бутун бир халқларнинг сургун, яъни депортация қилиниши ҳақидаги мавзулар тарихнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланмоқда. Ваҳоланки, депортация-сургун қилинган халқларнинг тақдири, ҳаёти, тарихи ҳам ўлка ва жаҳон тарихида маълум из қолдирганлиги ҳақиқат. Оммавий депортация жараёнини бошидан кечирган халқларнинг умумий тарихида бу давр ўзига хос маънога эга, унинг маълум таъсирлари бугунги кундаги муайян сиёсий низоларни ҳам озиқлантирмоқда.

Маълумки, Шимолий Кавказ бугун дунёнинг нотинч минтақаларидан бири бўлиб, у кўп жиҳатдан халқаро муаммо даражасига кўтарилган ва умумжаҳон эътиборида турган масалалардан бири сифатида тилга олинмоқда.² Шу боис ҳозирги кун низоларининг туб моҳиятини англаш, Шимолий Кавказдаги сиёсий беқарорликнинг сабабларидан бирини изоҳлаш учун ҳам депортация воқелигига мурожаат этиш зарурияти сезилишини таъкидлаш лозим.

XX асрнинг 30-40 йилларидаги оммавий репрессиялар ва “жазоланган” халқларни мажбурий кўчириш сиёсати ҳам сталинча тоталитар тузумнинг таркибий қисми эди.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ. 1998. Б.5

² Мукаддас Хошимова Сургун қилинган Кавказ халқлари Марказий Осиёда. Тошкент .2012. 118-бет.

Ўтган асрнинг 30-40 йилларидаги мажбурий кўчирилишга 3011108 та турли миллат вакиллари мажлум этилиб, улар орасида бутун бир халқлар: ингушлар, чеченлар, немислар, қалмиқлар, болқорлар ва бошқалар бор эди. Улардан 215 242 киши кўчирилиш жойларига мустақил равишда, яъни махсус эшелонларсиз етиб келганлар. Умумий ҳисобда кўчирилганлар сони 3 266 340 кишини ташкил этган.¹

Халқларнинг мажбурий депортация қилиниши мавзусида изланишлар олиб борган тарихчилар эса “олий даражали” танқид остида олинган. Шундай олимлардан бири А.М.Некрич биринчилардан бўлиб, 40-йилларда СССР халқларининг депортацияси мавзусида изланиш олиб бориб, “1941 йил 22 июнь” номли китобини нашр (1965 йилда) этгани учун партия сафидан ўчирилади, сўнгра мамлакатдан бадарға қилинади. У 1976 йилдан Гарвард университети қошидаги Рус Марказида ишлайди. У ўзининг 1978 йил АҚШ да нашр этган “Жазоланган халқлар” китобида биринчи бўлиб собиқ совет тарихшунослигида Кавказ халқларининг депортация қилиниши ҳақидаги фожели мавзунини ёритган эди.²

XX асрнинг 80-йилларига келиб, депортация қилинган халқлар муаммоси бўйича кўплаб олимлар шуғуллана бошладилар. Н.Ф.Бугайнинг “История СССР” журналида чоп этилган мақоласи 80-90 йилларда бу муаммо бўйича нашр қилинган биринчи мақола ҳисобланади. Шимолий Кавказдан депортация қилинган халқлар муаммосининг турли жиҳатлари Н.Ф.Бугайнинг қатор мақолаларида ҳам ўз аксини топган.

XX асрнинг 90-йилларига келиб қатағон қилинган халқлар тўғрисида собиқ СССР ҳукумати томонидан турли қарорлар қабул қилинди. Натижада Кавказ билан боғлиқ бўлган масалаларни, бу халқларнинг кўчирилиши муаммоларини янада чуқурроқ ва диққат билан ўрганишга имкон яратилди. Бу вақтга келиб В.Н.Земсков, Э.Х.Панеш, Л.Б.Ермолов, М.Усманов, С.Гитлин, А.Автарханов ва бошқаларнинг мақолалари, дастлабки монографик изланишлар, илмий адабиётлар чоп этилди.

¹Шу ерда,121-бет

² Мукаддас Хошимова. Сургун қилинган Кавказ халқлари Марказий Осиёда. Тошкент .2012. 110-бет.

Шимолий Кавказ халқларининг депортацияси мавзуси бўйича қатор илмий анжуманлар ўтказилди. 1998 йил октябр ойи Парижда курдлар тарихи бўйича ўтказилган халқаро конференцияда, 1990 йил 25 июль Швецияда, 1995 йил 27-30 сентябрда Москвада ўтказилган илмий анжуманларда ҳам Шимолий Кавказ халқларининг кўчирилиши борасидаги муаммолар кўриб чиқилди. Шунингдек, 1995 йил март ойида “СССР ва Германиядаги лагерлар, халқларни кўчириш, депортация ва оммавий қотилликлар тарихидан (1933-1945 йиллар)” мавзуси бўйича Германияда ўтказилган халқаро анжуман Германия, АҚШ, Англия, Австралия, Япония, Жанубий Корея, Италия олимларининг бу мавзуда кўпгина илмий изланишлар олиб борганлиги, собиқ СССР халқларини депортация қилиш муаммоси хорижий мамлакат олимларини ҳам бефарқ қолдирмаганидан гувоҳлик беради.

Қайд этилганидек, Кавказ халқларининг асосий қисми Қозоғистон республикасига сургун қилинган эди. Сургун қилинган халқларнинг фожиали тақдири ушбу республика олимлари: З.Чумакова, Л.Михеева, У.Амантев, Л.К.Шотбаков ларнинг қатор илмий мақолалари ва бошқа тадқиқотларда ўрганилган.

Ўзбекистонга сургун қилинган халқлар тарихи бўйича Ўзбекистон тарихчиларидан Ш.Д.Пиримкулов, А.Раҳмонқуловлар самарали изланишлар олиб боришмоқда.¹

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, шу вақтга қадар Кавказ халқларининг сургун қилиниши мавзусига бағишланган илмий ишларда асосий эътибор халқларнинг кўчирилиш сабаблари, сургун жараёнларига қаратилган эди. Аммо халқларнинг кўчирилган жойлардаги, яъни Марказий Осиё республикаларидаги тақдири, ижтимоий ҳаёти, уларга бўлган муносабатлар жуда ҳам кам ўрганилган.

Кавказ халқлари асосий қисмининг кўчирилиши айнан 1944 йилда бошланган. Сотқинликда айбланган халқларни кўчириш қисқа муддатда шафқатсизлик билан амалга оширилади.

¹ Мукаддас Хошимова Сургун қилинган Кавказ халқлари Марказий Осиёда. Тошкент .2012. 121-бет.

Кавказ халқларининг асосий қисми Қозоғистон Республикасига кўчирилади. Сталин вафотидан сўнг, яъни 1953 йилдан бошлаб махсус кўчириб келтирилган халқларга нисбатан давлат сиёсати ўзгарди. 1957 йилда қабул қилинган Иттифоқ ҳукуматининг махсус қарорига кўра улар “махсус кўчирилган”лар сифатида рўйхатдан чиқарилади.

XX аср ўртасида Марказий Осиёга сургун қилинган Кавказ халқларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий, ҳуқуқий аҳволи ва меҳнат фаолиятини ўрганиш муҳим.

Манбалар нафақат Қозоғистонга кўчирилган Кавказ халқларининг, балки Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистонга жойлаштирилган Кавказ, шунингдек бошқа махсус кўчирилган халқларнинг ушбу республикалардаги тақдирини ёритиб беришга ҳам ёрдам беради. Ваҳоланки, ўша даврда Марказий ҳукумат томонидан кўчирилган халқларга тааллуқли бўлган барча буйруқ ва қарорлар Марказий Осиё Республикалари учун умумий ҳолда қабул қилинган.¹

Турли миллатлар бошига тушган «репрессиялар», 40-йилларда «жазоланган» халқларнинг мажбурий кўчирилиши – тоталитар сиёсатнинг таркибий қисми эди. Шу йилларда қонунга зид тарзда бир қатор миллий давлат автоном тизимларининг йўқ қилиниши ҳам маълум миқдорда Сталин фаолияти билан боғлиқ сиёсатнинг натижаси эди.

40-йилларда «давлат вазифаси» деб номланган мажбурий кўчирилишга 3 011 108 та ҳар хил миллат вакиллари, жумладан, бутун халқлар: ингушлар, чеченлар, немислар, қалмиқлар, болқорлар, месхети турклари ва бошқа халқлар мажбур қилинганлар.

Тоталитар тузум давлатнинг ҳеч қандай ҳуқуқий нормалари билан ҳисоблашмас эди. Манбалар билан танишиб чиқиш шуни кўрсатадики, бутун бир халққа нисбатан депортацияни қўллаш учун давлатда кераклича асос ҳам йўқ эди, бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Бу халқлар томонидан оммавий сотқинлик ҳаракатлари бўлган деб баҳона қилиш нотўғри бўлиб, агар шундай ҳоллар учраса ҳам ушбу халқларнинг айрим вакиллари қилган эди. Бутун

¹Мукаддас Хошимова Сургун қилинган Кавказ халқлари Марказий Осиёда. Тошкент .2012. 121-бет.

халқ эса қонунбузар, бунинг устига хиёнаткор бўла олмайди, шунинг учун уларга нисбатан жазо қўллаш ҳуқуқий жиҳатдан нотўғридир. Халқларни сургун қилиш каби ишга охириги восита сифатида қараб, бу ишга қўл урган ҳокимиятнинг далиллари асосли бўлиши лозим эди. Бу ерда, улуғ Ватан уруши даврида гитлерчиларга ёрдам беришда ноҳақ айбланиб мажбурий равишда Қозоғистон, Ўзбекистон, Шарқий Сибирь ва бошқа регионларга кўчирилган қорачайлар, қалмиқлар, месхети турклари, чеченлар, ингушлар, болқорлар крим татарлари ва бошқа бир қатор халқлар назарда тутиляпти. Бу ҳаракатлар ҳаммаси Конституцион тамойилларга зид бўлиб, ғайриқонуний равишда бутун бир халқ ҳуқуқини поймол қиларди. Ҳокимият баъзи халқ вакилларига айб қўйгани ҳолда бутун бир халқ оммасини аёвсиз жазолади. Яна шуни айтиш керакки, бу қилинган жиноятлар суд органлари томонидан кўрилмай, агентура ва бошқа маълумотлар асосида тасдиқланарди.¹

Сургун қилинган халқларнинг этномаданиятига ҳам катта зиён етган эди. Бу халқларнинг она тилида китоб чоп этиш узоқ вақтларгача тўхтатилади, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳалари тушкунликка тушади. Театр труппалари ва бошқа ижодий гуруҳларнинг фаолияти тўхтаб қолади, урф одатлар ва анъаналар аста-секинлик билан унутила бошланади.

Кўчирилган халқларнинг янги кўчирилиш жойларидаги меҳнат жараёни масаласида ҳам улар жуда кўп қийинчиликларга дуч келганлар. Айниқса, бу янги, ўрганмаган шароит билан боғлиқ эди.

ЭТНОС МИЛЛИЙЛИГИНИНГ УМУМИНСОНИЙЛИК БИЛАН МУТАНОСИБЛИГИ

Миллий ўзига хосликлар ҳеч бир халқда бирданига пайдо бўлмаган ва бундай бўлиши мумкин эмас эди. Миллийликнинг тараққиёт йўли халқнинг босиб ўтган турмуш йўли билан тенгдош, яъни у асрлар давомида шаклланиб келган. Унинг

¹Мукаддас Хошимова. Сургун қилинган Кавказ халқлари Марказий Осиёда. Тошкент .2012. 118-бет.

шаклланиши текис, равон эмас, мураккаб, зиддиятли кечган. Миллий белги хусусиятларда ўсиш, емирилиш, кучайиш, камситилиш, таҳқирланиш, янгилиниш ва улуғланишлар содир бўлган. Халқ мавжуд ва доим ҳаракатда, меҳнатда, курашда, бошқа эл-юртлар билан қандайдир муносабатда экан, унинг ўзигагина оид хислатлар, одатлар, туйғулар, хулқ-атвор ҳам кўникмалар тўхтовсиз ривож топа боради. Худди шу узундан-узоқ кечмишга миллат-элатларни биродарлаштирувчи халқчилликнинг, умумбашарий эзгуликларнинг тарихи ҳам деб қарамоқ даркор. Зероки, халқ характеридаги илғор жиҳатлар нечоғлик миллий тарзда ифодаланишларидан қатъи назар, барча замонларда беғаразлигича қолиб, эллар ҳамдўстлигига хизматқилади. Халқнинг асл кўрки саналмиш хусусиятларни фақат унинг ўз ичида юз бераётган ҳодисалар деб тушуниш кўп вазиятларда тўғри, аммо бу дунё ҳамжамияти тараққиёти қонунларига хилофрок ўйлаш ва масалани бирёкдама идрок этиш бўлиб чиқади. Демак, таъбир жоиз бўлса, ўзига хослик ривожининг «ташқи» томонлари ҳам бор. Ҳеч бир халқ ўзича биқиқ ва бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди. Аксинча, улар билан иқтисодий-маданий алоқага киришади. Хилма-хил алоқа ва муносабатлар миллатларнинг турмуши, онги, ҳатто урф-одатларига маълум таъсир қилади. Миллий характерда умуминсоний хислатлар, хусусиятлар вужудга келади. Илғор миллий туйғулар ўзга халқлар кўнгли ва манфаатларига мос келувчи фазилатлар билан бойийди. Ўзбек халқи ҳам асрлар давомида жуда кўп халқлар билан, биринчи навбатда, Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари, Қозоғистон, Яқин-Ўрта Шарқ ҳамда Россия халқлари билан иқтисодий-маданий алоқада бўлди.¹ Бу алоқалар халқларнинг санъат ва адабиётида ҳам из қолдирди. Халқлар миллий спецификациясининг (демакки, умуминсонийликнинг ҳам) қандай намоён бўлиши ҳар тузумнинг иқтисодий, социал-сиёсий, маданий ҳаёт тарзига боғлиқ. Давр ва шарт-шароитнинг амалдаги тенденциялари, қонун-қоидалари миллийликка таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Оқибатда унинг таркибида, ўсиш, кенгайиш, чекланиш, турғунлашиш, раванқ топиш, хуллас, ҳар турли ўзгаришлар рўй беради. Бошқачароқ

¹// Жамият ва бошқарув. Т.2009.№3.19 б.

айтганда, замонлар унда ўзининг яхши-ёмон белгиларини, изларини қолдиради. Ўз ўрнида миллийликнинг кўринишларига қараб, бирор давр ва муҳитни тарихан аниқ билиш, аниқлаш, баҳолаш мумкин бўлади. Кишилиқ тарихининг муайян ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шароитлари муштараклик туйғусини ўзига хос, бетакрор намоён қилади. Бу туйғу муҳитлари, манфаатлари, ҳаракатлари бир-бирига мос келаётган халқларнинг маънавий савияси ифодаси сифатида жилоланади. Унинг бутун моҳият-эътибори чегара билмайди. Ватаннинг қардошлиқ оиласи доирасида қолиб кетмайди. Зеро, бир мамлакат халқлари ўз миллий заминларида мустаҳкам тургани ҳолда муаммолари, ташвиш-дардлари, интилиш самараларига кўра ҳамжиҳатликни бошларидан кечирар эканлар, бу нарса дунёдаги биронта халқёки этноснинг манфаатига зид бўлиб тушмайди. Аксинча, бу жараён замирида жаҳондаги ҳамма халқларнинг прогрессив интилишларига, истиқболга самимий хайрихоҳлик, ҳурмат ва эъзоз ётади. Бошқаларни билмоққа қизиқиш, уларга ҳавас билан қараш, яқинлашишга эҳтиёж сезиш миллий ифтихордан узоқлашиш, айрилиш ёки уни умумлаштириб юборишни англамайди. Муштараклик туйғуси миллий ўзига хосликлар, характерлар негизида қад кўтаради. Фанда бу жараён этнослараро муносабатлар деб аталади¹.

¹Аширов А.Этнология.Т.2014.130-б.

4.МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА БАРҚАРОРЛИК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ.ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ИФОДАСИ

Миллатлараро муносабатлар дунёдаги ҳар бир давлатда ўзининг тарихи,хусусиятларига эга бўлган,жамиятнинг энг нозик ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммоларидан биридир.Жумладан,миллий масала давлатларда миллий хавфсизлик тушунчасини шакллантирувчи таъсирчан омиллардан бири бўлиб,бу масалаларнинг баъзи давлатларда ўз ечимини топа олмаётганлиги давлатларнинг миллий хавфсизлигига путур етказувчи омилга айланиб бораётганлиги сир эмас.Зеро, Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов бу масала хусусида тўхталиб,шундай деган эдилар:“Миллатлараро муносабатларда уйғунлик бўлмаслиги нафақат айрим давлатларнинг,балки бутун минтақаларнинг ҳам ички сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигига путур етказувчи бош омилга айланган.”¹

Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг миллий муносабатлардаги тотувлик ижтимоий адолат мезонлари асосида амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳар бир халқнинг маданияти,ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида қаралди.Шу нуқтаи-назардан ҳозирги кунда миллий муносабатлар тарихини кенг ўрганиш,илмий таҳлил этиш,керакли хулосаларни чиқариш ҳам мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатларга 1989йилда сайланган республиканинг янги раҳбарияти алоҳида эътибор қаратганини таъкидлаш лозим.Республикамизда мавжуд бўлган кўп миллатли таркибни сақлаб ва мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бирига айланди.Бу вазифани амалга оширишда барча халқларнинг тенг ҳуқуқлилигини ижтимоий адолат асосида таъминлашга катта эътибор берилди.Турли миллатлар,элатлар ўртасидаги ҳамкорлик мустақилликни мустаҳкамлаш,ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг асосий йўлларида бири

¹.Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари.Т., 1998.– В. 471.

сифатида қаралди. Дастлабки вақтдан оқ Ўзбекистон Президенти Кенгашида миллий-маданий марказлар ва уларнинг ишини такомиллаштириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. 1990-1991 йиллардан миллатлараро муносабатлар соҳасида юксак маданиятни шакллантириш учун яхлит тизим яратила бошлади.¹ Давлат ва жамоатчилик асосида миллий ва турли ижтимоий ҳаракатлар ташкил этилиши миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда, мавжуд муаммоларни ечишда катта рол ўйнади. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Улар Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамиятини сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий жиҳатдан қайта қуриш жараёнида ижобий рол ўйнамоқда”².

Зеро, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни изга солиш республикада истиқомат қилаётган турли элат ва миллат вакиллари ўртасидаги бирдамлик, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳаракат қилар экан, бу борадаги вазифаларни ҳал этишда тарих сабоқларидан холисона хулоса чиқаришнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Даврлар тажрибаси кўрсатишича, ҳар бир давлат ўзининг тараққиёт йўлида жамиятнинг ғоявий, мафкуравий бирлигига таянган. Оламшумул тарихий жараённинг бир бўлаги Ўзбекистон тарихини барча тарихий даврларда унинг ҳудудида яшаган қабила ва халқлар тарихидан ажратиб бўлмайди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадим замонлардан бери бугунга қадар турли-туман этнослар яшаб келган. Узоқ давр мобайнида бу ҳудудда хукмдорлар, сулолалар ва давлатлар алмашиб турган. Шу билан бирга ушбу ҳудудда мавжуд бўлган анънавий маҳаллий этнослар билан бир қаторда, уларга ташқаридан доимий келиб қўшилувчи этносларнинг аралашуви ва уйғунлашиб кетишининг узоқ давом этган жараёни ҳам тарихий воқеликка айланган.

Масалан, яқин совет даврида Ўзбекистонга жалб қилувчи омилларнинг асосийси – бу ҳудуднинг қулай табиий ва иқлимий шароити, Республиканинг стратегик иқтисодий-географик

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи қисм. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., 2001. – В. 673.

² Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998. – В. 472.

жойлашуви эди.

Мамлакат аҳолисининг 84 фоизини маҳаллий миллатлардан ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, тожик ва туркманлар ташкил этади. Туб миллат бўлганларнинг орасида 8,3 фоиз руслар бор.

Маълумки, давлатимизнинг суверенитет ҳақидаги декларациясид аминлий сиёсатимиз тамойиллари шакллантирилган бўлиб, уларда жамиятимизнинг мураккаб ижтимоий муносабатларга доир мақсад ва вазифалар, Ўзбекистондаги барча халқлар ва эллатларнинг миллий тикланишни таъминлашга, ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришда халқларнинг куч-қудратини, интилишларини бирлаштиришга йўналтирилган муайян амалий чора-тадбирларга оид устивор масалалар қамраб олинган.

Бинобарин, Ўзбекистон давлатининг миллий сиёсати моҳиятини қуйидаги масалалар ташкил қилади

- барча миллатларнинг маънавий ва моддий маданиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш;

- Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро миллий кўпчиликка ёки миллий озчиликка мансублигидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилик, эркинлик, юридик мақом асосида ўзаро муносабатларни уйғунлаштириш.

Ўзбек халқи шовинизм, национализм, бошқа халқлар ва миллатларга ола қараш ёки уларни беҳурмат қилиш каби иллатлар халигача мамлакат тарихида бирон марта бўлсин учрамаганлиги билан ҳақли равишда фахрланади. Миллатлараро тотувликнинг ҳақиқий барометри-халқ фикри.¹

Ўзбекистон-тарихан тенг ҳуқуқли халқлардан ташкил топган кўп миллатли мамлакат. Давлат шу мамлакатда яшаётган барча миллий гуруҳларнинг ҳуқуқлари, сиёсий ва маданий жабҳаларда иштирок этишимкониётлари сақланиши, уларнинг қонуний манфаатларини амалга ошишини ўз маданияти, тили, ўзига хослиги сақланишини кафолатлайди, турли маданиятлар гуллаб яшнаши учун шарт-шароит ҳозирлайди. Мана шундай амалий асосдагина мамлакатда халқлар тараққиётининг миллий-маданий ривожини, кўнгилли равишдаги ҳамкорликларни, сиёсий

¹ Муҳаммад Куронов Эзгу ғоялар рўёби. Т.2011.118-б.

-иқтисодий жипсликни, милатлараро келишимларни таъминлаш мумкин.

Хўш соҳага хос хусусиятлар ва миллатлараро муносабатлар ҳолатини белгилайдиган жараёнлар нимадан иборат? Аввало, шуни қайд этиш ўринлики, Ўзбекистондаги қарийиб барча миллат ва эллатларнинг миллий ўз-ўзини англаш даражалари, миллий маданият, тарих, тил, таълим масалаларига бўлган ялпи қизиқишлари, умуман олганда миллатлараро жипслашув жараёнининг мустахкамланишига хизмат қилади. Мана шундай жипслашув ўзининг мустахкам иқтисодий тарихий ва ижтимоий асосларига эга бўлиб, айнан ана шу асослар жамиятда барқарор тараққиёт муаммоларини хал қилишда биргаликда ҳатти-ҳаракатга эҳтиёж кучлилигини намоён этмоқда, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати миллатлараро муносабатлармасаласининг долзарблиги ҳаётий жараённинг назарий ва амалий жиҳатлари ниҳоятда муҳим.

Миллатлараро муносабатларнинг социология фани нуқтаи назаридан ўрганилиши турли даражаларда- умумдавлат ,маҳаллий ва шахслараро даражада амалга оширилади. Социология фанида миллатлараро муносабатларнинг қуйидаги муаммолари муҳим саналади, булар миллий ўз-ўзини англаш ва миллий психологиянинг шаклланиши, анъаналарнинг, урф-одатлар ва тилларнинг ривожланиш қонуниятлари асосида ҳал қилиш.

Ўзбекистон аҳолисининг 8.3%ни русийзабонаҳоли-руслар, украинлар, белоруслар, поляклар ташкил қилади. Улар билан ёнма-ён озарбайжон, татар, турк, дунган, корейс, грузин, молдаван, арманлар ва бошқа миллий гуруҳлар яшаб меҳнат қиладилар. Булар байналминаллик туйғусининг амалда ўзига хос равишда намоён бўлиши турли миллатлар ва миллий этник гуруҳлар миллатлараро муаммоларнинг ўзаро ўзаро муносабатга киришишидир. Шунинг учун ҳам улар алоҳида ижтимоий воқеъликлар тарзида намоён бўлади ва ижтимоий муносабатлар таркибини ҳосил қилади, шу билан бирга мазкур муносабатлар республика аҳолисининг ўзаро аҳиллигини ҳамкорлигини намоён қилувчи фаолиятдир.¹

¹ Муҳаммад Куронов Эзгу ғоялар рўёби. Т.2011.120-б.

Ўзбекистондай кўп миллатли мамлакатда кўп нарса миллатлараро муносабатларнинг қай даражадалигига боғлиқ. Турли миллий гуруҳларга мансуб одамлар юз йиллар мобайнида давомида жанжалларсиз яшаб келаётган кишилар эндиликда ўзаро муносабат ва алоқаларда муомала жараёнларида ишончсизлик ёки бошқа ноқулайликлар сезмаслиги жуда муҳимдир.

Жамият ҳаётини демократлаштириш шароитдаги мамлакатдаги барча 130 га яқин миллат ва маданий марказлар ўзлари учун зарур бўлган мадад ва қўллаб қувватлашларга эга бўладилар, зеро уларнинг фаолияти мустақил Ўзбекистон маданий ҳаётида энг ёрқин саҳифалар бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар томонлама фаолиятларини янги асосларга кенгайтириш давлатлараро муносабатлар тизимидаги вазифаларни босқичма-босқич амалга оширишда ҳам муҳимэҳтиёждир. Бу Ўзбекистоннинг бирон бир хорижий давлат билан маданий ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда мамлакатимизда яшаб турган миллий диаспора бажара оладиган хизматлар диаспорасида айниқса ёрқин кўринади. Миллий диаспоралар ўзларининг таърихий ватанлари билан алоқаларни мустахкамлашни миллий маданий марказлар миқёсида делегациялар визит алмашувлари натижасида фан-таълим, маданият, санъат, бизнес ва тадбиркорлик соҳаларида муайян вазифаларни ҳал қилишлари мумкин. Истиклол йилларида амалга оширилган маданий тадбирлар халқ дипломатияси асосида йўлга қўйилган ҳамкорликлар бунга мисолдир.

Таҳлил қилинаётган масалаларни яна бир жиҳати мавжуд жамиятни демократлаштириш шароитида айниқса ижтимоий маданий ҳаётда эркин мустақил мулоҳазалар ва ўз ўзини ирода этишнинг ўсиши кузатилмоқда. Улар Ўзбекистондаги ижтимоий –сиёсий ва миллатлараро ҳаётга нисбатан одамларнинг дунёқарашини ўзгартиришга ҳам таъсир этаётир. Бинобарин бошқарув органлари ҳам эндиликда ўзларининг иш усуллари ва шакллари янада такомиллаштирмоқда, улар жамиятдаги ижтимоий, демографик сиёсий, иқтисодий, саноат маданий, миллатлараро кечаётган жараёнлар ҳақида аниқ маълумотларни жамоатчилик фикрини ўрганиб бормоқдалар. Зеро, жамоатчилик

фикрини ўрганишда ҳодисалар моҳиятини таҳлил қилиш жуда муҳим негаки таҳлил материаллари бошқарув қарорларини қабул қилишда башорат қилишда бебаҳо ўрин тутди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мустақил Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва инобатга олиш мамлакатдаги модернизация ва демократлаштиришнинг асосий омилларидандир.

Марказий Осиёни XX асрнинг 60-йилларида зўравонлик билан босиб олиб халқларни мустамлакага айланганига қарамасдан чор Россияси ҳам бу ердаги анъанавий ҳаёт тарзини кескин ўзгартира олмади. Жумладан, Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари амалда сақлаб турилди. Большевиклар ҳокимият тепасига келгандан сўнг эса Марказий Осиёнинг этно сиёсий харитасида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Бу ерда бўлиб ташла ҳукмронлик қил тамойилига амал қилиниб Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон миллий республикалари ташкил қилинди. Лекин, Марказий Осиёда миллий республикаларнинг ташкил этилиши бу ердаги ҳаётда ҳам ижодий аҳамият касб этди. Бир томонда умуммиллий жипслашиш жараёнларини тезлаштирди, миллий давлатчилик қуришда тажриба тўпланди, маҳаллий халқ онгида миллий манфаат, миллий анъана, миллий -маданий ўзига хослик каби тушунчалар шаклланишига ёрдам берди.

Дарҳақиқат, ер юзидаги ҳар бир инсон миллат ёки кичик бўлса ҳам маълум бир этник гуруҳнинг вакилидир. Дунёда турли миллатлар мавжудлиги инсоният тараққиёти ва бирлашиши йўлидаги табиий тўсиқ эмас, балки у бебаҳо бойликдир. Инсоният ҳар томонлама юқори чўққига олиб чиқадиган биргина тўғри йўл миллий ўсиш ривожланиш ва миллий яратувчанликни умуминсоний манфаатларга йўналтиришдан иборат.

Совет давлатчилиги шаклланиши жараёнида бошқача тамойиллар жорий қилинди. Миллий сиёсат миллатчиликнинг жамиятдаги роли инкор қилинади ва унинг ўрнига синфийликка урғу беради. Иттифоқда яшовчи бошқа миллатларнинг айниқса кам сонли халқларнинг ўз тилларида ўқитиш, миллий анъаналарни ривожлантириш, миллий кадриятларни ҳурмат қилиш лозимлиги тўғрисидаги қонуний талаблари умумдавлат манфаатларидан келиб чиқиб сиёсийлаштирилди ва улар миллатчиликни келтириб чиқарувчи омил дея баҳоланди.

Маҳаллий миллий кадрлар асоссиз равишда миллатчиликда айбланиб қатағон қилинди. Бунинг туб заминиди миллатичидан етишиб чиққан етакчиларни йўқотиш ва шу орқали ўз ҳукмронлигини узок вақт ушлаб туришга қаратилган эди.

Ўзбекистонда руслаштириш асосан Россиянинг турли бурчакларидан кўчириб келтирилган рус тилида сўзлашувчи аҳоли вакиллари ёрдамида рус маданияти ва урф-одатларини киритиш ҳисобига амалга оширилган бундан ташқари мазкур маданиятни қабул қилганларга кенг имтиёзлар берилди. Жумладан ,ўша пайтларда рус тилидаги ўрта ва олий таълим муассасаларини битириш келажакда амал пиллапояларидан кўтарилиш ва бошқа имтиёзларга тамал тоши қўярди. Рус ёки Россиядан кўчиб келган славян қизларига уйланиш яхши яшаш ва раҳбарлик лавозимларига тўғридан тўғри йўл очиш ҳеч кимга сир эмас эди. Шу тариқа республикамизга аҳолининг алоҳида қатламлари вужудга кела бошлади. Яъни,Рус ва Ўзбек маданиятининг ўртасида турувчи иккисига ҳам чала амал қилувчи шахслар гуруҳи шаклланди. Уларнинг аксарияти ўз она тили, ўз ватани тарихи ва маданиятини яхши ўзлаштирамай туриб рус тилида сўзлашадиган бўладилар. Бу миллий таназзулнинг бошланганлигидан далолат беради.Айнан мана шу нарса марказнингмиллий қиёфасиз совет ҳалқини яратиш йўлидаги стратегик мақсадларига тўла мос келади. Иттифоқдажумладан ,Ўзбекистонда оддий фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаганлиги улар онгида маъмурий-буйруқбозликдан қутулишнинг иложи йўқ эканлиги тўғрисидаги фикрнинг шаклланиши ва бошқа юзага келган мураккаб вазиятлар аҳоли ўртасида ижтимоий лоқайдликни келтириб чиқаради. **Шунингдек**, кўплаб ўта зарур муаммоларнинг ўз вақтида ечилмаганлиги миллий онг келажакка ишончсизликни юзага келтиради бу эса аста секин миллий экстремизмнинг ўсиб чиқишига туртки бўлади. Миграция туфайли номаҳаллий аҳоли советнинг тобора ортиб бориши турли миллат вакилларининг онгида миллий давлат чегараларининг нотўғри ўтказилганлиги ҳақида фикрларнингривожланганлиги тил ва маданият, сиёсатдаги хатоликлар, маиший миллатчилик фан ва маданиятда маъмурий органларга турли миллат ва элат вакиллари сонининг номутаносиблиги, бутун бир халқ муаммоларининг ҳал

этилмаганлиги иттифоқда ижтимоий сиёсий вазият ва шу каби омиллар яширин ёки миллатлараро зиддиятларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб, унда нафақат собиқ иттифоқ ҳудудида жойлашган миллат вакиллари балки узок хориж мамлакатлари аҳолиси ҳам истиқомат қилади. Бизларда 130 дан ортиқ миллат ва эллат вакилларининг мавжудлиги эмас, балки кўп миллатлилик асосан умумий 15% дан ортиғини ташкил этадиган тожик, рус, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва корейслар каби кўп сонли миллат вакиллари истиқомат қилаётганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон кўп миллатлиликни бу ерда яшовчи турли-миллат вакилларининг ягона давлат ҳудудида ўзаро маданий алоқалар билан ҳам англаш мумкин. Агар бутун республика аҳолисининг миллий ва инсоний белгиларига қараб умумий тарзда ажратадиган бўлсак кўп миллатли Ўзбекистон фуқаролари учун маданий бирликка киришиш мумкин: туркий мусулмонлар, эроний мусулмонлар ва славян христианлари.

Туркий мусулмонлар умумий бир тилда сўзлашувчи умумий анъаналарга эга ягона ислом динига эътиқод қилувчи ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, татар ва бошқа халқларни киритишимиз мумкин. Бизнинг ҳисоб-китобларимизча, улар 14 туркий халқлардан иборат бўлиб умумий республика аҳолисининг қарийб 83% ни ташкил қилади. Албатта, уларнинг ҳар бири ўзига хос маданият, сўзлашиш тили, турмуш тарзи, урф-одатларига эга. Аммо уларнинг барчасида ислом дини таъсирида мусулмон маданияти, умумий дунёқараш, яшаш тарзи каби умумий ўхшашликлар шаклланган. Ўзбекистон шароитида шубҳасиз ўзбеклар ушбу бирликка кирувчи халқлар орасида жуда катта салоҳиятга эгадир. Зеро, ўзбеклар республикада истиқомат қилувчи миллат бўлиб туркий мусулмонларнинг қарийб 80% ниташкил этади.

Эроний мусулмонлар маданий бирлигига тожиклар ва форслар киради, улар мамлакат аҳолиси салмоғида 49% улушга эга. Мамлакатимизга ушбу маданий бирликка муносиб миллат вакилларининг келиб қолиши Россия империясининг Марказий Осиёни босиб олиши ва кейинги даврда комунистларнинг Ўзбекистонни советлаштириш сиёсати билан боғлиқ, улар ичида

руслар салмоқли ўринни эгаллайди (4.0 %) 1989 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатида улар умумий аҳолининг 8.3 % ни ташкил этган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бошқа миллатлар салмоғи аста -секин камайиб бормоқда .Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Жумладан, **биринчидан** собиқ иттифок парчаланиб кетгандан сўнг бу ерга мажбуран кўчириб келтирилганларнинг ўз она юртларига қайтиш имконияти вужудга келиши. **Иккинчидан**, республикада юзага келган миллатлараро низоларнинг тўқнашувга айланиб кетганлиги **учинчидан**, табиий кўпайишнинг ўзига хослиги ,маҳаллий миллат вакиллари ўртасида урбанизациялашувнинг кучайиши ва бошқалар.

Мустақилликдан кейин давлатимизнинг миллий сиёсати республикада яшовчи турли миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини бир хилда ҳимоя қилишга йўналтирилди ўтиш даврида юзага келган қийинчиликларга қарамасдан республикамизда миллатлараро муносабатга дахлдор этник зиддиятлар кузатилгани йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири ўзбек халқининг ўзи билан узоқ вақтлардан бери бирга яшаб келаётган бошқа миллат вакилларига нисбатан ҳар томонлама бағрикенгликка асосланган муносабатидир.

Кўп миллатли давлатларда миллатлараро муносабатлар кўпроқ мамлакатдаги асосий миллат вакилларининг кам сонли миллат вакиллари маданияти, урф-одати, тили, анъаналарига қандай муносабатда бўлишига боғлиқ. Кўп миллатли жамиятда бошқа миллатдан бошқа миллат ва элат вакиллари фуқаролик масъулияти ва ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш ҳамда улар манфаатларини уйғунлаштириш талаб этилади. Турли миллат ва элат вакилларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши бир-бирини ҳурмат қилган ҳолда муносабатда бўлиши, ягона мақсад сари интилиши жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва сиёсий барқарорлигини таъминлайди, айнан мана шундан келиб чиқиб Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий сиёсат жамиятимизнинг барқарор ривожланишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғоясиозод ва обод ватан,эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборат.Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари,

бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди ва ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади. Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб мамлакатимиз раҳбарияти миллий масалага, миллатлараро муносабатларга ва бу соҳада собиқ иттифоқ даврида йиғилиб қолган ва ўз ечимини талаб қилган мураккаб муаммоларга ўз диққат-эътиборини қаратди. Ва бу бежиз эмас эди, чунки Ўзбекистон кўп миллатли давлат эди. 90-йилларнинг бошларида мамлакатимизда юздан ортиқ миллат вакиллари яшар эди. Кўп миллатли Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш, халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш муҳим ва устивор вазифа деб белгиланди ҳамда сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ислохотларни муҳим сифатларидан бири сифатида тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов мазкур масаланинг муҳимлиги хусусида тўхталиб, қуйидагиларни қайд этади: “Ўзбекистон аҳолисининг кўпмиллатлилиги, ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда”¹.

Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар барқарорлигининг қатор сабаблари мавжуд. Биринчидан, миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришнинг асосий шarti сифатида Ўзбекистон ҳукумати мазкур масалани қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлай олди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис ва ҳукуматнинг қатор қарор ва фармойишларида бир миллатнинг иккинчиси устидан ҳуқуқий устиворлигининг амалда йўққа чиқарилганлиги мамлакатимизда миллий масалани тўғри ҳал этишга кафолат яратди.

Жумладан, Конституцияда Ўзбекистоннинг барча фуқаролари миллатидан, динидан ва бошқа фарқларидан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эгадирлар ва давлатнинг Конституцияси

¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т., 1997, - Б. 72.

ҳамда қонунлари ҳимоясидалар,деб таъкидланган¹.

Иккинчидан,Ўзбекистон ҳукумати ўз сиёсатини миллатлараро муносабатларнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида шаклланган назарий-методологик жиҳатдан хато аснода юргизишдан воз кечиб,уни жаҳоннинг йирик кўп миллатли давлатларида қарор топган назарий-амалий асосда олиб бораётганлиги ҳудудда миллий масалани адолатли тарзда ҳал этишга кўмак бермоқда.

Учинчидан,мамлакатимиз сиёсий раҳбариятининг бозор муносабат-лари шароитида кучли ижтимоий сиёсат юргизаётганлиги ҳамда бундай сиёсатнинг асосини миллатлараро барқарорлик,тотувлик ташкил этганлиги юртимиздаги барча миллат,элатлар ижтимоий тараққиётига кафолат яратмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек:“Ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсади Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллатидан қатъий назар,шахс сифатида намоён бўлиш,ўз қобилиятини,истеъдодини намойиш этиш,ўз ҳаётини яхшироқ,муносиброқ маънавий бойроқ қилиш имконига эга бўладиган зарур шартларни яратишдан иборатдир”².

Тўртинчидан,ўзбек халқининг маънавий-маърифий дунёси,руҳия-тидаги ижобий ҳолатлар,миллатимизнинг азалдан эрксевар ҳамда кучли кўни-қўшничилик муносабатлари,бошқа миллат,динлар,дунёқарашлар,қадриятларга бўлган хайрихоҳлик муносабатларининг аввалдан ижобий ҳал бўлишга кафолат яратмоқда.

90-йилларнинг бошларида мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат,элатларнинг маданий-ижтимоий жиҳатдан уйғониши жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бирига айланди ва ҳукумат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.Бу ижобий муносабат бир томондан у ёки бу миллат,элатнинг ўз маданияти,қадриятлари,урф-одатларининг тикланишидан руҳий-психологик қониқиш ҳосил қилишга имкон берса ва бу нарса жамиятда ижтимоий -сиёсий барқарорликни юзага келтиришга кўмаклашса,бошқа томондан уларнинг ушбу

¹ O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. T., 2014, - B. 9.

²Karimov I. A. O`zbekiston XXI asr bo`sag`asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. T., 1997, - B. 217.

мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга, ўз маданиятини оширишга ундади.

Мамлакатимизда мустақилликдан олдин мактабларда уч, тўртта миллий тилда ўқитилган бўлса, 1999 йилга келиб республикаимизда 9 та миллий тилдаги мактаблар очилган. Бундан ташқари республикаимиз олий ўқув юртларида ёшлар ўзбек, рус, тожик, қорақалпоқ, қозоқ, корейс тилларида билим олмоқдалар.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда яшовчи қозоқлар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар, украинлар, корейслар, грузинлар, озарбайжонлар, арманлар, белоруслар, руслар ва бошқалар ўз маданияти, урф-одатлари, она тилини чуқурроқ билиш мақсадида хилма-хил уюшмалар ташкил қила бошладилар. Ҳаёт жараёнида улар ичидан миллий гуруҳларнинг талабига тўлароқ жавоб берадиган уюшмалар миллий-маданий марказлар ажралиб чиқди. Сиёсий ташкилотлар бўлмаган ҳолда, биринчи миллий-маданий марказлар Тошкент шаҳрида ва айрим вилоят марказларида ташкил топди.

1991 йили мамлакатимизда 12 та миллий-маданий марказ мавжуд бўлган бўлса, 1999 йилнинг бошида Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллий-маданий марказ фаолият кўрсатарди¹.

Миллатлараро тўтувлик ғояси – умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда яшайдиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Мазкур ғоя – жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.

Миллий истиқлол ғоясида таъкидланганидек, муайян мамлакатга ном берган миллат билан унда яшайдиган бошқа халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан биридир².

Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаб келади. Улар ўртасида асрлар

¹ Musaev D. O. Milliy siyosat va milliy-madaniy markazlar. //Mustaqil O`zbekiston tarixining dastlabki sahifalari. (Davriy to`plam). № 3. – B. 150.

² Milliy istiqlol g`oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. T, 2000. – B. 59.

оша миллий низолар, келишмовчилик бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини намоён этади.

Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм ҳамда миллий биқиқлик миллатлараро тотувликка, ўзаро ҳамжиҳатликка хавф солади. Агар ўз вақтида олди олинмаса, буларнинг ҳар бири ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. XX асрда Европа халқларини асоратга солган ҳамда қатор давлатларнинг инқирозга юз тутишига сабаб бўлган фашизм ғояси, кейинги пайтларда дунёнинг айрим нуқталарида у ёки бу кўринишда пайдо бўлаётган неофашизмдек иллатларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўз миллатини ўзга миллатлардан узоқлаштириш, унинг ўзига хослигини ҳимоя этишни тор тушуниб, миллий худбинликни жорий қилиш, ўз миллатининг ўзга миллатлар билан эркин алоқада бўлишига путур етказиш миллий биқиқлик деб таърифланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган турли миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик, бир-бирини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланиб, у халқимизга хос бўлган олижаноблик ва инсонпарварлик фазилатларига таянади.

Бағрикенглик ёки толерантлик ғоясининг амал қилишида бир миллатнинг иккинчи бир миллат ёки бошқа миллатларнинг тили, урф-одати, ўзига хос маданиятини, турмуш-тарзини ўзлигича эътироф этиши, унга эътиборли, тоқатли, бардошли бўлиши ва ҳурмат қилиши муҳим роль ўйнайди ҳамда миллий қадриятлар ва умумбашарий қадриятларнинг узвийлик, ушқоқлик асосида ривожланиб боришига замин яратади¹.

Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, “Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш турли муаммоларни биргаликда ҳал қилиш

¹Kamolova S., Siddiqova N., Atoeva D. Globallashuv va tolerantlik.// Modernizatsiya, innovatsion taraqqiyot va tolerantlik rivoji istiqbollari. Respublika ilmiy konferentsiya materiallari to'plami. 3-kitob. T., 2010. – B. 38.

каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда”¹. Масалан, ҳар йили Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган умумхалқ ҳашари бунинг ёрқин тасдиғидир. Бундай оммавий тадбирлар кўп миллатли халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада жипслаштиришга хизмат қилади.

Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият ҳисобланиб, тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда².

Мамлакатимизда миллатлараро тотувликнинг қуйидаги тамойилларига амал қилинмоқда:

- барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка таяниш;
- турли миллий маданиятлар ривожини учун йўл очиб бериш;
- бошқа миллат ва элат вакиллариغا ҳурмат билан қараш;
- миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ўзаро уйғунлигини ва бирлигини таъминлаш.

Мустақиллик йилларида демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда тарихий анъаналаримиз, миллий хусусиятларимиз ҳамда миллий қадриятларимиз янада бойиббормоқда ва ҳаётимизга кенг жорий этилмоқда.

Ўзбекистонда давлат томонидан турли миллат ва этник гуруҳларнинг ривожига мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб катта эътибор берилмоқда. Бу йўналишдаги миллий сиёсат қуйидаги принциплар асосида олиб борилмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиб, уларнинг ривожини учун шароит яратилди;

- миллатидан қатъи назар барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминланди. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси)³;

- давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида этник ўзига хосликлар ҳисобга олинди;

¹ Karimov I. A. Yuksak ma'naiyat – yengilmas kuch. T., - B. 96..

² Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. T, 2000. – B. 59.

³ O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. T., 2014. – B. 9.

- миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасозлик муҳити шаклланди;

- ижтимоий ва сиёсий ҳаётда барча миллат ва элат вакилларининг ҳар томонлама иштироки таъминланди;

- мамлакатимизда ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қиладиган партиялар ва жамоат бирлашмалари тузилишига, уларнинг фаолиятига йўл қўйилмади.

Ўзбекистонда 137 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ўзбекистонда жамиятни тубдан янгилаш, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтказиш осонлик билан кўчмади. Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардаёқ миллатлараро тотувликни таъминлаш асосий масалалардан бири бўлиб турарди.

Мамлакат раҳбарияти миллий масалани миллатлараро муаммоларни оқилона, қонуний йўл билан ҳал қилиш чоратадбирларни кўрди. Бу борада ҳукумат энг аввало конституциявий талаблар асосида иш тутди. Аҳолининг барча табақаси ва турли миллат вакиллари диққати бир нуқтага қаратилди, қонун олдида ҳамма тенг қилиб қўйилди. Ҳар бир фуқаро қалбига ягона замин, ягона макон, ягона ватан учун жавобгарлик ҳисси сингдирила борилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади,” – дейилади. Бундай қоида жаҳондаги бирор-бир конституцияда учрамайди. Конституциямизда “Ўзбекистон халқи” тушунчасининг таърифи баён этилган. Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қиладиган ҳар бир фуқаро, миллати ва ирқий мансублигидан, диний эътиқодидан қатъий назар, Ўзбекистон халқига мансубдир. Ўзбекистон фуқаролари миллий тенглиги тамойили инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро ҳужжатларга, жумладан, Ўзбекистон Республикаси номидан унинг Президенти имзолаган Париж хартияси талабларига тўла мос келади. Тенг ҳуқуқлилиқ тамойили мамлакатимиздаги тинчлик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов

¹ Mustaqil O`zbekistonda millatlararo munosabatlar madaniyati. T., 1995. – B. 72.

ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни республиканинг барча фуқароларига “Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ мавқеи, ирқӣй ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар” тенг сайлов ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари қонунан ҳимоя этилади, уларнинг ривожланиши учун барча шароитлар яратилган.

Ўзбекистонда давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устивор бўлишига асосланади. Ўзбекистонда юритилаётган ижтимоий ҳимоялаш сиёсати республика ҳудудида яшаётган барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мосдир.

Ўзбекистонда миллатлараро тотувликнинг таъминланиши республика ижтимоий ва сиёсий барқарорлигини муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Халқнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлигидир¹.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги миллатлараро аҳиллик ва тотувликни таъминлашда хизматлари катта бўлган 27 миллат вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий-маданий марказ фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 14 таси эса республика миллий маданий маркази мақомига эга. Ўзбекистондаги миллий-маданий марказларнинг 31 таси корейс, 23 таси рус, 10 таси тожик, 9 таси татар, 8 таси озарбайжон, 7 таси туркман, 6 таси украин, 6 таси қирғиз, 5 таси турк, 5 таси Европа яҳудийлари, 4 таси немис, 4 таси арман, 4 таси поляк, 3 таси уйғур, 3 таси Бухоро яҳудийлари, 2 таси белорус, 2 таси қрим-татар миллатлари вакилларига тегишлидир². Шу жумладан, Бухоро вилоятида қуйидаги миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда:

Озарбайжон миллий-маданий маркази; Бухоро

¹ Musaev D. O. Milliy siyosat va milliy-madaniy markazlar. //Mustaqil O`zbekiston tarixining dastlabki sahifalari. (Davriy to`plam). № 3. – В. 151.

² Bu muqaddas vatanda – azizdir inson. – Т.: “Iqtisodiyot”, 2010. - 52 bet.

яхудийлари“Шалом”маданий маркази;Ўзбекистон немислари“Видергбург”маданий маркази;Республика“Светлана Польшка”поляк маданий марказининг вилоят филиали;рус миллий-маданий маркази;татар-бошқирд миллий-маданий маркази;“Офтоби Сўдиён”тожик-форс миллий-маданий маркази;туркман миллий-маданий маркази;Бухоро корейс миллий маданиймаркази;Бухоро турк миллий маданий маркази.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи турли миллат вакилларининг республика ижтимоий,маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш миллий-маданий марказлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.Шунингдек,хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилотлар билан дўстлик,ҳамкорлик,маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш ва ҳамдўстлик алоқаларини ривожлантириш,республика Байналмилал маданият маркази,манфаатдор вазирликлар,идоралар,давлат ва жаомат ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда фуқаролар ҳамжихатлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш марказининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Миллий маданий марказлар муайян миллатга хос бўлган миллий маданият,тил,урф-одат,анъана ва таомилларни ўрганиш,сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан манфаатдор Ўзбекистон фуқароларини ихтиёрий равишда бирлаштиради ва Ўзбекистон Республикасининг“Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар тўғрисида” ги(1999йил14апрель)Қонунига асосан ташкил этилади.

Мустақиллик йилларида Республика байналминалмаданият маркази ва фаолларидан 71 киши юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган. Шу жумладан, 32 киши “Дўстлик” ордени билан, 2 киши “Меҳнат шухрати” ордени билан, 13 киши “Шухрат” медали билан мукофотланган. 7 кишига фахрий унвонлар, 17 кишига Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари берилган. Мукофотланганлар орасида 24 миллат вакиллари бор.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг телерадиоканаллари орқали 10 та тилда (ўзбек,қорақалпоқ, рус, уйғур ва озарбайжон тилларида) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб

борилмоқда. Мамлакатимиздаги газеталар 10 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, корейс, украин ва инглиз тилларида), журналлар эса 8 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва инглиз тилларида) босилмоқда. Шу билан бирга, юртимизда ўрта ва олий таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида амалга оширилмоқда¹.

Миллатлараро тотувлик ғояси азал-азалдан эзгу умумбашарий кадриятлардан бири бўлиб, турли халқлар биргаликда, ёнма-ён истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар ривожланишида ҳал қилувчи ўринтутади, уларнинг барчаси бирдай ҳуқуқ ва имкониятларга эгаллиги учун зарур мустаҳкам қонуний кафолатлар яратилганлиги тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилиб келади. Бугунги Ўзбекистон мисолида бу ҳақиқат яна бир бор ўз исботини топаётгани хорижлик мутахассислар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ИФОДАСИ

Бағрикенгликни ёритиш бўйича ижтимоий-гуманитар фанларда турлича ёндашувлар мавжуд. Бу ҳодисага берилган таърифларда умумийлик билан бир қаторда тафовутлар, баъзан эса жиддий зиддиятлар ҳам кўзга ташланади. Ижтимоий-гуманитар фанлар бағрикенгликнинг турли жиҳатларини ўрганади. Масалан, бағрикенгликни талқин қилишда педагог-олимлар ўз нуқтаи назаридан ёндашадилар. Шунингдек, файласуфлар, психологлар, сиёсатшунослар ва диншуносларнинг ҳам бу ҳодисага ўз қарашлари мавжуд. Турли фанларда бағрикенгликка ёндашувнинг турличалиги унга берилган таърифларда ҳам ўз аксини топган. Биз бу таърифларнинг қайси бири ҳақиқатга яқинроғу, қайси бири узоқроқ экани тўғрисида ҳакамлик қилмоқчи эмасмиз. Бизнинг фикримизча, бу фанларнинг бағрикенгликка берилган таърифларида зиддиятга қараганда умумий жиҳатлар кўпроқ. Бу фанлар бағрикенгликни турли

¹Bu muqaddas vatanda – azizdir inson. – T.: “Iqtisodiyot”, 2010. - 53 bet.

жихатдан ёритар эканлар, сиртдан қараганда бир-бирига мос келмайдиган фикрлар билдиришаётганга ўхшаса ҳам аслида улар бир-бирларини тўлдиришади. Назаримизда бағрикенгликнинг энг умумий жихатлари унга фалсафа фанида берилган таърифларда акс этган. Шунини ҳам афсус билан қайд этиш керакки, мамлакатимизда фалсафа бўйича чиқарилган қомусий ва қомусий бўлмаган луғатларда бу тушунчага ўрин берилмаган. Россияда ва бошқа хорижий мамлакатларда чиқарилган луғатларда бағрикенглик ўзгаларнинг манфаатларига, эътиқодлари ва урф-одатларига сабр-тоқат билан муносабатда бўлиш экани баён қилинади. Бундай таърифларга, умуман олганда, қўшилиш мумкин.

Мамлакатимиздаги ва хорижий адабиётларда бағрикенгликнинг турларини тасниф қилишга махсус бағишланган тадқиқотларни биз учрата олмадик. Бағрикенгликнинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун, аввало унинг турлари мавжудлиги ва бу турлар ўртасида қандай боғлиқлик борлигини ўрганиш лозим.

Бизнингча, бағрикенгликнинг қуйидаги асосий турлари бор:

- А) диний бағрикенглик ;
- Б) сиёсий бағрикенглик;
- В) ирқий бағрикенглик;
- С) этник бағрикенглик.¹

Бағрикенгликнинг зидди муросасизликдир.

Ўзбек тилида ишлаётганимиз «бағрикенглик» атамаси илмий адабиётлардан «толерантлик» сўзининг таржимаси орқали кириб келди. «Толерантлик» сўзининг луғавий маъноси, латин тилидан *tolerantia* – чидамлилик маъносини бериб, ўзгача турмуш тарзи, хатти-ҳаракат, урф-одат, ҳиссиёт, фикр, ғоя, эътиқод каби туйғуларга нисбатан чидамли, янада аниқроқ айтиладиган бўлинса, бағрикенг бўлишликни билдиради. Шунингдек, толерантлик кишидан салбий ҳиссий (эмоционал) омилларга нисбатан имкон қадар чидамли, бағрикенглик ҳолатида бўлишни, мабодо ўзгача ноқулай жараёнлар юзага келган тақдирда

¹Бегматов А.С. Бағрикенгликнинг ижтимоий ва фалсафий жихатлари. («Ёшларда ижтимоий толерантликни юксалтириш масалалари « мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари), Т., 2006. 29-бет

ҳиссиётларга берилиш ёки мойиллик сезишдан ўзини чегаралашни таклиф этади .

Баъзи муаллифлар , бағрикенглик ҳолатининг ижтимоий турмуш тарзимизда қуйидаги кенг тарқалган турларга ҳам бўлади:

- этник (миллий) бағрикенглик;
- диний бағрикенглик;
- гендер бағрикенглик;
- маданиятлараро бағрикенглик;
- тиллараро бағрикенглик;
- демографик, ёшга оид бағрикенглик;
- ижтимоий ҳолатига оид (маълумоти, туғилган жойи, ижтимоий аҳволи) бағрикенглик.

Ушбу санаб ўтилган омилларга нисбатан киши ўзида ақлий ва ҳиссий жиҳатдан куч топа олса, замонавий жамиятга нисбатан унда ижтимоийлашув (социализация) суръати юқори даражада бўлади.

Энди бевосита этномаданий бағрикенглик муносабатлари ва унинг тарихий ва замонавий асосларига тўхталиб ўтсак. Мутахассисларнинг эътирофи этишларига кўра, бугунга келиб ер юзида 1600 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари истиқомат қиладилар . Географик харитага диққат билан назар ташлайдиган бўлсак, унда бор-йўғи 250 та атрофидагина давлатларнинг рўйхати келтирилганлигини кўриш мумкин. Агарда, улардаги диний эътиқод ҳолатини кузатадиган бўлсак, рақамлар янада қисқаради, балки у бор-йўғи бир неча ўнтани ё ташкил қилади, ёки йўқ. Бағрикенглик қоидалари бирданига пайдо бўлмаган, балки ҳар бир халқ тарихий тажрибасининг маҳсули ўлароқ, ворислик асосида авлоддан-авлодга ўтиб келган ички юксак маданият шакли саналади. Бағрикенгликшахс ва миллатнинг маънавияти ва тамаддун даражасини билдирувчи мезон, кўрсаткичдир.¹Шу сабабли ҳам фанда бағрикенгликни инсон фазилатининг таркибий қисми сифатида олиб ўрганилади.

¹ Азимов М.К. Бағрикенглик тушунчаси, мазмуни ва таърифига доир.(“Ёшларда ижтимоий толерантликни юксалтириш масалалари “ мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари),Т.,2006. 57-бет.

Лекин айтиш мумкинки, бағрикенглик – бу ён бериш, андиша ёки хушомад эмас. У, энг аввало, инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир. Ҳар қандай вазиятда ҳам бағрикенглик туйғуси жамият ҳаётидаги асосий қадриятларга тажовузларнинг баҳонаси бўлиб хизмат қилмайди. Маданий савия даражасидан келиб чиқиб, бағрикенгликни юксак дидли алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлатлар намоён қилиши лозим.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди қадим замонлардан бошлаб турли маданият, тил, урф-одат, хилма-хил турмуш тарзи ва динларга амал қилган этнослар, халқлар ва миллатлар яшаб келган ўлка ҳисобланади. Ўзбекистонда маданий, диний ва миллий хилма-хилликнинг табиий ҳолат ва инсоний бойлик эканлиги ижтимоий онгда устувор мавқе касб этади. Шунинг учун ҳам миллий ва диний мансублигидан қатъий назар, ҳар бир инсон ўзини Ўзбекистон фуқароси деб билиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида бир хил тенг имкониятларга эгадирлар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу ҳолат аниқ ва ифодали қилиб битиб қўйилган. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар» . БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига мувофиқ 1997 йил 16 ноябрдан бошлаб бутун дунёда «Халқаро бағрикенглик» куни нишонланади. Бағрикенглик принциплари декларациясида «бағрикенглик – бу бизнинг дунёмизни, бизнинг ўзимизни ифодалаш шаклларимизни ва инсон индивидуаллиги намоён бўлиш усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш» – дейилади . Айни пайтда республикамизда маънавий-маърифий тадбирлар, жумладан, узлуксиз таълим тизимида этник, гендер ва диний бағрикенглик ҳақида маълумот берувчи дарсларнинг киритилиши, фуқароларда бағрикенглик маданиятини камол топтириш соҳасидаги устувор вазифалар тадқиқ қилиб борилмоқда.

Ўзбекистон заминида этномаданий бағрикенглик масалаларини ёритиш жараёнида ўзбек менталитети ва ўзбек халқи турмуш тарзига социологик ёндашув муҳим аҳамият касб

этади. Ўзбек халқининг ақлий-руҳий қиёфаси, яъни миллий менталитети ўзига хос тарихий, этник, табиий-иқлимий шарт-шароитлар доирасида шаклланганлиги боис, унинг жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, тарихий жараёнларга бўлган муносабати ҳам турлича бўлиши, шубҳасиз. Зеро, миллий ўзига хосликлар узоқ тарихий даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар, табиий географик ўрнашув, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида қарор топади ва айнан мана шулар ҳамда халқнинг руҳий-психологик қарашлари негизида қадимий анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар шаклланади. Табиийки, менталитет биз санаб келтирган хусусиятлардан ташқари миллатларнинг ақлий-интеллектуал имкониятлари ва руҳий-психологик ўзига хосликларини қамраб олади. Характердаги ўзига хосликларнинг негизини эса шу халқнинг тарихий тажрибалари, урф-одатлари, маросим ва маракаларининг яхлит тизими ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, улар менталитетнинг ҳаракатлантирувчи кучлари вазифасини ўтайди.

Ўзбек халқидаги этномаданий бағрикенгликни бевосита унинг ўз ижтимоий тарихий ривожланиш босқичидаги тўртта катта диний-мафкуравий босқични кечирганлигида кузатиш мумкин. Булар, буддавийлик, зардуштийлик, ислом ва коммунистик. Бу ҳолат эса ушбу халқнинг тадрижан ташкил топишида тўрт ўзакли маданият туркумини ўзида мужассамлаштирган десак, балки хато қилмаган бўламиз. Демак, булар:

- қадимий ва ўрта асрлар туркий маданияти;
- араб ислом маданияти;
- мумтоз форс маданияти;
- советлар даврида европа турмуш тарзини ўзида мужассамлаштирган маданият.

Ўзбек халқи менталитетига хос қотар фазилатлар борки, уларни миллий кадриятлар сифатида эъзозлаймиз.¹

¹ Тожибоева Х. Шарқ мутафаккирлари бағрикенглик тўғрисида. (“Ёшларда ижтимоий толерантликни юксалтириш масалалари “ мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари), Т., 2006.

144-бет.

Ўзбек этномаданий бағрикенглигидаги ўзликни англаш ва ҳис этиш омилининг бир илдизини халқимизнинг мазкур ҳудудда яшаган туб ерли этнослардан томир олган ва иккинчи илдизини эса қадимий туркий халқлардан бошланган тарихий гувоҳлик билан яқунлашни лозим деб топдик. Ҳар иккала асосий илдизларнинг бирикиши – ўзаро синтези ўзбек элатини ва кейинчалик ўзбек миллатини ташкил этди .

5.МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ МИНТАҚАВИЙ КОНФЛИКТЛАРНИ ЕЧИШ ОМИЛИ.ЭТНОЭТИКЕТДА АХЛОҚИЙ ТАСАВВУРЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Бугунги кунда барча давлатларнинг равнақи ва ривожининг асоси, шубҳасиз унда истиқомат қилаётган турли этномаданий, миллий гуруҳларга тегишли элат ва миллат вакилларининг тинч-тотув ва фаровон ҳаёти, барқарор ўзаро муносабатлари ва бағрикенглигига бориб тақалади. Мамлакатда мавжуд ўзга миллатлар маданиятига ижобий муносабатда бўлиш, уларнинг миллий қадриятлари ва урф-одатларига ҳурмат билан қараш, маданий меросларини оёқ ости қилмаслик ва уларни келажак авлод учун асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бундан ташқари юқори профессионал билим ва малакага эга бўлган, чет тилларини мукамал эгаллаган бўлажак мутахассислар барча олий таълим муассасаларининг кўзлаган мақсадидир. Айнан билим ва малака, чет тилларини ўзлаштирганликҳозирги замоннинг барча мезонларига жавоб бера олади. Жумладан, Президентимиз И.А. Каримов, “...Яна бир муҳим вазифамиз – бу Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларга яратиб берилган имконият ва шароитларни янада кенгайтиришдан иборат. Шу орқали юртимизда қарор топган миллатлараро тотувлик ва барқарорликни сақлаш, уни кўз қорачиғидай асраш – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир”¹ деб айтиб ўтганлар Маданиятлараро мулоқот барча даражадаги муносабатларда иштирок этиш имконини беради. Шунга қарамай, унинг айрим қирралари охиригача тўлик

¹ Каримов И.А.Юксак маънавият -енгилмас куч Т.2008.19.б.

ёритилмаган. Бугунги ахборот олами тасаввур қилиб бўлмас даражада онгу шууримизни эгаллаб бораётган бир шароитда, халқларнинг маданий интеграцияси шиддат билан ўсаётганлигига табиий жараён деб қарасак, нотўғри бўлмайди. Шу билан бирга глобаллашув даврида миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш масаласи моддий ва номоддий буюк маданият ва дунё цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин тутган халқларни ўйлантирувчи долзарб масалалардан бўлиб келмоқда. Чет тилларни чуқур ўрганган, дунё халқлари билан эркин муомала қила оладиган, ўз юрти, халқи, давлати манфаатларини юксак билим ва иқтидор билан ҳимоя қилишга қодир мутахассисларгина бундай улкан глобал муаммоларни ечишга қодирдирлар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда чет тилларни ўргатиш соҳаси давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Зеро, “бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда буюк келажагини кураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”¹.

Тил – тафаккурни ривожлантирувчи ва маданий-тарихий анъаналарни авлодларга етказиб берувчи восита ҳисобланади. У фақатгина мулоқот воситаси бўлибгина қолмай, балки маданий бойликларни асровчи хазина ҳамдир. Тил ва, табиийки, бу билан бирга адабиёт маданият тушунчасининг энг муҳим қирраларидан бири ҳисобланади. Чунки тил юксак инсонийликни, кадр-кимматни ифодаловчи, миллатлараро маънавий бирликни акс эттирувчи ҳодиса. Шунингдек, тил – тарихий хотирани, авлодлар ўртасидаги узвийликни таъминловчи кўприк ҳисобланади. Шу боис, ўз она тилимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни янада мустаҳкамлаган ҳолда, уни қунт билан ўрганишимиз ва, шу аснода, ўз тарихимизни ҳам чуқур билишимиз лозим. Ваҳоланки, ўз тарихини, аجدодларини билмаган инсон келажакка умид билан боқа олмайди. Президентимиз таъкидлаганидек: “Ўз она тилимизни чуқур ўрганиш билан бир пайтда, бугунги кунда, чет

¹Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1998, 8 - бет.

тилларни ўрганиш биз учун ҳар томонлама зарур.” Дарҳақиқат, чет тилларни билиш эвазига ўзга мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги бизга мос бўлган ютуқларини олишимиз ва, ўз навбатида, ўзимиз эришганларимизни бошқаларга намойиш этишимиз мумкин. Чет тилларни ўрганиш ва билиш биз учун қанчалик фойдали бўлса, маданий биқиклик эса шу қадар иқтисодий, сиёсий инқирозга олиб келади. Шу сабабдан, мамлакатимиз Мустақилликка эришган илк даврданоқ халқнинг илм даражасини, маданияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган кўплаб ислоҳотлар олиб борди. Бунинг натижасида ўзбек тилига давлат мақоми берилди, “Таълим тўғрисида”, “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури” каби таълим соҳасига оид бир қатор дастурлар қабул қилиниб, амалиётга тадбиқ этилди. Юртимизда тилимизга эътибор тобора юксалаётгани туфайли аждодларимиз қолдирган маданий меросни тиклаш ва ўрганиш имкони туғилди, миллий кадриятлар тикланди, халқимиз маънавий жиҳатдан ўсди. Шу билан бир қаторда мамлакатимизда чет тилларни ўрганишга эътибор йил сайин ортиб борар экан, бунинг замини тобора мустаҳкамланмоқда. Бу борада юртбошимиз томонидан 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор фикримизнинг ёрқин исботидир. Юртимизда олиб борилаётган фан-таълим соҳасидаги ўзгартириш ва янгиликлар ўзининг амалий жиҳатдан самарасини бериб келмоқда. Бунда хорижий тилларни ўқитиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўсиб келаётган ёш авлод ҳар томонлама баркамол, етук ва билимли бўлишида чет тилларнинг ҳам ўз ўрни ва аҳамияти бор. Ўзбекистонда илм-фанни, адабиёт ва санъатни, техника ва қишлоқ хўжалигини янада такомиллаштириш, хорижий технологиялар ва инвестицияларни ўрганишда ҳамда ҳаётга тадбиқ этишда хорижий тилларни мукамал билиш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Тил ва адабиёт воситасида биз ўзга халқлар тарихи, уларнинг дунёқараши, интилишлари билан яқиндан танишамиз. Адабиёт умуминсоний кадриятларни бизгача етказиб беради, халқлараро меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди, барча инсонларни эзгуликка чорлайди. Кўхна тарихимизга назар солсак, дунё халқлари, хусусан, Шарқу Гарб доимо бир-бирларини ўзаро

яқиндан билишга интилиб келганлигига мисоллар яққол кўзга ташланади. Буюк аждодларимиз, олиму фузалолар, шоиру мутафаккирлар халқлар иттифоқи ҳақида қайғуриб келишган. Айни пайтда уларнинг жаҳншумул аҳамиятли кашфиётлари, асарларининг ўзи ҳам дунё халқлари эришган ютуқларнинг синтези ҳисобланади. Гарб донишмандлари доимо Шарқ фалсафаси билан қизиқиб келганлар. Шарқ ҳам, ўз навбатида, Гарб мамлакатлари эришган фан ва техника соҳасидаги ютуқларини ўрганиб, ўзлаштириб борган. Машҳур Пифагор узок йиллар Миср, Бобил ва Хиндистонда яшаб, илм олган бўлса, буюк шарқ алломаси Фаробий ўзини Аристотелнинг шогирди деб ҳисоблаган. Абу Али ибн Сино ўзининг жаҳнга таърифи кетган “Тиб қонунлари” асарида, мутахассислар таъкидлашига кўра, юнон ва шарқ тиббиёти ютуқларини тўла мужассам эта олган. Шу туфайли ҳам бу асар минг йилдан буён медицина оламида ўз қийматини йўқотмай келмоқда. Аристотелнинг “Поэтика” номли машҳур асарига Ибн Сино томонидан ёзилган “Шеър санъати” деб номланган шарҳлар ҳам маданиятлараро бирлик рамзи, жаҳон маданияти ривожига қўшилган катта ҳиссадир. Бундан ташқари, маданиятнинг бошқа соҳаларини олиб қарайдиган бўлсак ҳам, миллий руҳ билан бир қаторда умуминсоний муштаракликни яққол кўришимиз мумкин. Мисол учун, санъатнинг буюк ва кўхна турларидан бири бўлган архитектура соҳасидаги кўплаб ютуқ ва ўзгаришларни олиб қарайлик. Ваҳоланки, бизнинг ғуруримиз ҳисобланмиш Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги архитектура ёдгорликлари ҳам дунё халқлари меъморий санъати ўзаро уйғунлигининг рамзи ҳисобланади. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда тилларни яқиндан ўрганиш учун яратиб берилган кенг имкониятлардан ёшларимиз самарали фойдаланмоқдалар. Хусусан, бугунги кун ёшлари хорижий тилларни мукамал эгаллаб, дунёнинг исталган бурчагида Ватанимиз шаънини кўкларга кўтаришга қодир бўлмоқдалар. Шу билан бир қаторда, жаҳоннинг илғор техника ва технологияларини, сара билим ва тажрибаларини юртимизга олиб келиш ва хорижий давлатлар билан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, фан-таълим соҳасида бевосита самарали ҳамкорлик қилиш имконияти ҳам туғилди. Булар натижасида эса мамлакатлар, миллатлар

ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланмоқда. Маданият мураккаб ва серқирра ҳодиса сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига бирдек дахлдордир. Шу жиҳатдан дин ва маданият узвий боғлиқ жараён ҳисобланади. Жамият ҳаётида содир бўлаётган ривожланиш ҳолатини маданий жараёнларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аслида «маданият - у инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги камолотининг, инсонда инсонийлик ривожланишининг меъёрини тавсифловчи ҳодиса ҳисобланади. Зеро маданият инсон фаолиятини, унинг натижасида яратилган моддий ва маънавий қадриятларни қамраб олган ҳолда шахс камолоти ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи ижтимоий ҳодиса ҳисобланади»¹ Асрлар давомида турли дин вакилларининг бир заминда ҳаёт кечириши, улар орасида ихтилофлар кузатилмагани юртимиз халқлари менталитетида азал-азалдан диний ва маданий бағрикенглик тушунчаларининг шаклланишига асос бўла олади. «Маданият ва дин нафақат, миллий мансубликнинг қарор топишида, балки этноконфессионал асослардаги айрим зиддиятларни бартараф этишда ҳам катта роль ўйнайди. Конфессиялараро мулоқот, маданиятлараро алоқа ва ҳамкорлик маданий адоват, тарқоқлик ва диний тоқатсизликка барҳам бериш учун самарали восита ҳисобланади» Диний қарашлари турлича бўлсада, «бугунги кунда миллий ҳаётни диндан ташқарида тасаввур қилиш ниҳоятда қийин. Бу диннинг кишилар турмушининг турли соҳаларига кириб борганида, маданияти, урф-одатлари, анъаналарига сингиб кетганида кўринади. Бундай уйғунлашув шунчалик кучлики, баъзан қайси қадриятлар диний, қайси қадрият миллий эканини ажратиш олиш ниҳоятда мушкул»² Дин ва маданият уйғунлашувидаги яна бир жиҳат - бу, унинг инсоният тарихи ва фаолиятини ўрганишда ўзига хос феномен вазифасини бажаришида кўринади. Шунингдек, дин маънавий маданиятнинг муҳим элементи ҳисобланади. Дин инсоннинг руҳий дунёси маънавияти ва маданияти билан чамбарчас боғлиқдир. Инсоннинг ижтимоий ҳаётида доимо у билан бирга бўлади.

¹ 1. Очилдиев А. Маданият фалсафаси. - Тошкент : «Мухаррир нашриёти», 2010. 346

² . Очилдиев А. Маданият фалсафаси. - Тошкент : «Мухаррир нашриёти», 2010. 36-376.

Шунинг учун ҳам динни ўрганиш - бу инсониятни ўрганиш демакдир. Динни инсониятдан, инсониятни диндан ажратиб бўлмаслигини тарихнинг ўзи исботлади. Бу ҳолат эса юксак маданият ёки тарихий тараққиётнинг ижтимоий ва этник гуруҳлар ривожланишидаги сифатий хусусияти тарзида ўз ифодасини топади.

Маданият ва дин ўртасидаги муносабат ўзаро диалектик алоқадорликда бўлиб улар бир-бирини тўлдириб боради ҳамда воририйлик асосида такомиллашиб боради. Айнан шу ҳолат У. Кўшаев таъкидлаганидек, «маданиятни диндан холи равишда ёки аксинча динни муайян маданий тизимдан айри холда тизимли тадқиқ этиб унинг моҳиятини англаб бўлмайди»¹

Мусулмонлар, христианлар ва буддавийларнинг Ўзбекистон заминидан биргаликда ҳамнафас ва ҳамжихат бўлиб яшаши диний- маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисоблашга асос бўла олади. Бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатда расмий фаолият олиб бораётган барча диний конфессиялар вакиллари ўз жамоаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисида”ги Қонун қоидаларига қатъий риоя қилаётганлари ҳамда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшаётганликларини доимо таъкидлаб келмоқдалар. Кўп конфессияли Ватанимизда динлараро ва миллатлараро бағрикенгликнинг таъминланиши мамлакат ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Диний бағрикенглик хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ҳамда ҳамжихат бўлиб яшаши, кишилиқ жамияти равақати йўлида хизмат қилишини англади. Бу эса макон чегараларини билмайди. Хозирда бу ғоя эзгулик йўлида жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутди. Инсонларнинг диний ва маданий муносабатларининг муштараклиги диний бағрикенглик тимсолида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг асосий негизини ташкил этади.

Ўзбекистонда турли конфессиялар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликка асосланган. Диний ва маданий

¹ Кўшаев У. Маданият ва дин. - Тошкент : Fan va texnologiya, 2013.19-б.

бағрикенглик - турли миллатга мансуб кишиларнинг бир-бирларининг тилини, динини, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарини, миллий-маданий меросини хурмат қилишни, уларнинг шаъни, кадр-қимматини, ор-номусини кадрлашни англатади. Бу эса диний ва маданий бағрикенгликнинг ижтимоий воқеликдаги инъикоси - тинчликнинг барқарорлигини ўзида акс эттиради.

ТЕСТЛАР

Нима сабабдан анъанавий халқ маданиятини тиклаш заруратга айланиб қолди?

анъанавий халқ маданияти аجدодлар меросининг таркибий қисми бўлганлиги учун жамиятни маънавий камол топтиришда катта аҳамиятга эга бўлганлиги боис кейинги авлодлар олдидаги бурч туфайли анъанавий халқ маданиятини сақлаб қолиш зарурлиги учун анъанавий халқ маданияти миллатни бошқа халқлардан ажратиб турувчи асосий восита бўлганлиги боис анъанавий халқ маданияти кўшни халқлар маданий ривожини белгилаб бериши сабабдан.

“Этномаданият” фанининг аҳамияти нимадан иборат?

Талабаларнинг халқимизнинг миллий қиёфасини ўзида ифода этувчи маданий меросни асраб-

авайлаш зарурлигини англаб этишларига ёрдам беришдан Талабаларнинг халқ маданиятини сақлаб қолишда фидойилик кўрсатишлари кўникмасини ҳосил қилишларига Талабаларга ўз миллий маданиятининг устуворлигини англаб этиш тафаккурини сингдириш Талабаларга замонавий маданиятнинг салбий жиҳатларини англаб этишларига ёрдам бериш

Қуйидаги жавоблардан қайси бирида “Этномаданият” фанининг асосий вазифаларидан бири кўрсатилган?

халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетини ўзида акс эттирган этник хусусиятларини ифодалаб бериш вазифасини бажаради Халқимизнинг ўтмишини акс эттирувчи тарихий фактларни

ифодалаб бериш вазифасини бажаради

халқимизнинг бошқа халқлар билан қўшничилик алоқаларини ифодалаб бериш вазифасини бажаради

Халқимизнинг ижтимоий-ишлаб чиқариш жараёни ҳақида тушунчалар беради

”Этномаданият” фани қайси фанларнинг тажрибаларидан фойдаланиб ўзининг тадқиқот объектини ўрганади?

тарих, фалсафа сотсиология, фолклор санъатшунослик педагогика ва психология этнография диншунослик ва бошқа фанларнинг

Тарих, фалсафа сиёсатшунослик табобатшунослик маъданшунослик география этнография ва бошқа фанларнинг социология, тарих, археология, диншунослик маданиятшунослик нумизматика география, логистика ва бошқа фанларнинг

Фольклор, адабиётшунослик, санъатшунослик маданиятшунослик маъданшунослик риторика тупроқшунослик ва бошқалар

“Этномаданият” тушунчаси нимани ифодалайди?

уруғ, элат ва миллат маданиятини

муайян ҳудудда яшовчи халқлар маданиятини

оддий халқ ва кенг меҳнаткаш омма маданиятини

муайян минтақада яшовчи халқ маданиятини

“Анъанавий халқ маданияти” тушунчаси нимани ифодалайди?

муайян халқнинг синалган, анъанага айланган ва аждодлардан авлодларга мерсо бўлиб ўтиб келаётган қисмини ифодалайди

муайян халқнинг барча даврларда яратилган моддий ва маънавий бойликларини ифодалайди

муайян халқ маданиятининг бошқа халқлар билан маданий алоқага киришишига ёрдам берадиган қисмини ифодалайди муайян халқнинг фақат бошқа халқлар маданиятига ривожига таъсир кўрсатган қисмини ифодалайди

Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида этник маданиятнинг таркибий қисмлари кўрсатилган

Халқ донишмандлиги, фалсафаси эътиқоди педагогикаси халқ урфодатлари ва халқ ижоди

халқ донишмандлиги зироатчилиги эътиқоди педагогикаси

халқ ижоди касб-ҳунари
халқ донишмандлиги фалса-
фаси чорвачилиги эътиқоди
одатлари педагогикаси халқ
ижоди ва маъданчилиги
халқ донишмандлиги фалса-
фаси тарихи археологияси
эътиқоди геодезияси геоло-
гияси ва географияси

Нима учун этномаданиятнинг таркибий қисми саналган халқ донишмандлигига эътибор бериш талаб қилинади?

чунки, халқ донишмандлигида аждодларнинг дунёқарашлари ва фалсафий тафаккури ўз аксини топганлиги боис

чунки халқ донишмандлигида деҳқончилик маданиятига оид фикрлар ўз аксини топганлиги боис

чунки халқ донишмандлигида халқнинг азалий маданий алоқалари ўз аксини топганлиги боис

чунки халқ донишмандлигида халқнинг оилавий муносабатлари ўз аксини топганлиги боис

Муайян этник бирликларнинг маданий ижодий фаолияти асосан қайси даврда яратилади?

ишлаб чиқариш жараёнидан ташқарибўш вақтда

асосан ишлаб чиқариш жараёнида

асосан оилавий муносабатлар даврида

асосан бошқа халқлар билан маданий алоқалар даврида

Қуйидагилардан қайси бирлари халқ оғзаки ижоди намуналари ҳисобланади?

эртаклар дostonлар мақоллар топишмоқлар халқ ўйинлари кўшиқлар ва бошқалар

эртаклар дostonлар мақоллар топишмоқлар халқ ўйинлари кўшиқлар ва бошқалар

эртаклар дostonлар кўшиқлар топишмоқлар қалъалар, қоя тош суратлари ва бошқалар

эртаклар дostonлар кўшиқлар маталлар ҳунармандчилик буюмлари ва дастгоҳлари топишмоқлар ва бошқалар

Қуйидагилардан қайси бирлари халқ педагогикасини ташкил этади?

илғор ахлоқий ғоялар тажрибалар ва усуллар

илғор тажрибалар усуллар ва “хуфия тарбия”

илғор педагогик амалиёт ва турмуш тажрибаси

илғор ахлоқий ўғитлар ва бойлик тўплашни ўргатувчи тавсиялар

GLOSSARIY

Integratsiya-(lot.)- tiklanish, to'ldirish, turli xalqlarning birlashuvi, turli etnoslarning bir hududda etnik-madaniy aloqalarni o'rnatish jarayoni.

Интеграция (от лат. *integration* – восстановление, восполнение) **культурная и образование** – процесс сближения, взаимопроникновения культур посредством воспитания и обучения.

Madaniyat-(arab)- inson qo'li va aql-idroki bilan yaratilgan moddiy va ma'naviy boyliklar.

Культура – уровень развития, организация жизни общества и людей, материальные и духовные результаты человеческой деятельности в производстве, искусстве, мировоззренческом, умственном, нравственном, эстетическом развитии, способах общения между людьми и с природой; в понятие культуры входят религия, наука, образование, нравственные и моральные нормы поведения людей и государства; различают национальную культуру, мировую культуру и культуру отдельного этноса.

Sivilizatsiya-insoniyat jamiyati ilgarilama harakatida erishilgan darajani hamda moddiy va ma'naviy qadriyatlarni o'zlashtirish usulini ifodalaydigan tushuncha.

Цивилизация – 1) синоним культуры; 2) совокупность всех форм человеческой деятельности (моральной, идейной, культурной, религиозной, нравственной и т.д.) в единстве их преемственности; существует несколько понятий: человеческая цивилизация – понятие, характеризующее историю общества в целом; цивилизация – стадия, определяющая уровень общественного развития (античная, средневековая, современная, аграрная, индустриальная, постиндустриальная); региональная цивилизация – понятие, различающее этнические и (или) государственные общности, связанные сходством идей (американская, европейская восточная, русская и др.); великая цивилизация – понятие, оценивающее группы региональных цивилизаций (западная, ближневосточная, южноазиатская, дальневосточная).

Etnos-(yunon)-qabila, xalq, va boshqa etnik birliklarni o'rganadigan fan.

Этнос (от греч. *ethnos* – племя, народ) – исторически устойчивая социальная группа людей, связанных общими культурой, языком, этнической принадлежностью, представленная племенем, народностью, нацией; обозначает также обособленные

этнокультурные группы; близкие понятия: этническая общность, этнокультурная группа. Этнос - исторически возникшая устойчивая социальная группировка людей, представленная племенем, народностью, нацией. Основным условием возникновения этноса является общность: - самосознания - сознания своего единства и отличия от всех других подобных образований; территории; языка;- культуры.

Diaspora От греч. **Diaspora** – рассеяние Диаспора - пребывание части народа (этнической общности) вне страны его происхождения при сохранении чувства идентификации со своей родиной.

Народ , People , Народ - связанная одинаковым происхождением и языком культурно-историческая общность людей.

Etnik antropologiya va irqshunoslik-antropologiyaning odamzod irqqlarini kelib chiqishi tarixi, sabablari va yer yuziga tarqalishi hamda xalqlarning antropologik tarkibini o'rganuvchi sohasi.

Этническая антропология, Ethnic anthropology, Этническая антропология - наука, изучающая антропологические особенности народов и реконструкцию этногенетических процессов.

Etnogenez-(yunon)-xalqlarning kelib chiqishi, ilgari mavjud bo'lgan turli etnik komponentlar asosida yangi etnik birlikning tarkib topish jarayoni. Xalqlarning etnogenezini o'rganishda ular kelib chiqishining dastlabki davrigina emas, balki keyingi shakllanish tarixi ham, shuningdek, hozirgi zamon etnografik, lingvistik va antropologik xususiyatlari ham hisobga olinadi.

Ethnogeny, от греч. Ethnos - народ + Genos – развитие, Этногенез - процесс становления новой этнической общности на базе различных этнических компонентов, существовавших ранее, дальнейшее формирование ее этнографических, лингвистических и антропологических особенностей. Различают три основных исторических типа этногенеза: палеоэтногенез, мезоэтногенез и неогенез.

Etnopsixologiya-sotsial psixologiya bo'limlardan bo'lib, turli milliy, xalq va etnik guruhga xos tipik psixik xususiyatlarni o'rganadi. O'z tekshirishlarida muayyan tadqiqot ob'yektning moddiy va ma'naviy madaniyati, ijtimoiy hayoti, an'analari, urf-odati, til xususiyati, diniy qarashlari, shuningdek, o'ziga xos tasavvuri, kayfiyati, ish-harakatlari tizimi va boshqalarga asoslanadi.

Этнопсихология, Ethnopsychology, от греч. Ethnos - народ +

Psyche - душа + **Logos** – учение. **Этнопсихология** - отрасль социальной психологии, изучающая этнические особенности психики людей, национальный характер, закономерность формирования и функции национального самосознания, этнических стереотипов и т.д.

Etnosentrizm (yunon)-insonning barcha hayotiy hodisalarini o'zi uchun namuna deb bilgan o'z etnik guruhi qadriyatlarini yuzasidan baholasiga moyilligi; o'z hayot tarzini boshqalar ishidan afzal ko'rish.

Этноцентризм, Ethnocentrism, От греч. Ethnos - народ + лат. Centrum - центр круга. **Этноцентризм** - тенденция судить о поведении других групп по стандартам собственной культуры; свойство этнического самосознания воспринимать и оценивать все явления окружающего мира сквозь призму традиций и ценностей собственной этнической группы, выступающей в качестве универсального эталона.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. 1997 йил 29 август. / “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” – Т.: “Шарқ” нашриёти, 1998 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида” ги Қонуни. 1997 йил 29 август. / “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” – Т.: “Шарқ” нашриёти, 1998 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” (Янги тахрирда) ги Қонуни. – Т.: “Адолат” нашриёти 1998 йил
4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. -Т.: Маънавият, 1998 йил.
5. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак Т. Ўзбекистон. 2017.
6. Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Парламентига Мурожаатномаси. (2017-йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатнома). Халқ сўзи. 2017. 23 декабр

Дарслик ва қўшимча адабиётлар

1. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т.: 1996 йил.
2. Абдуллаев М. Маданиятшунослик. Фарғона, 1998 йил.
3. Абдуллаев М. Абдуллаев А. Маънавият ва маданият тарихи. Фарғона, 1998 йил.
4. Этномаданиятфанидан маърузалар матни. 1-қисм. Фарғона, 2001 йил.
5. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: Шарқ, 2001 йил.
6. Муродов. М. Қорабаев У. Рустамова Р .Этномаданият..

Т.:Адолат, 2003 йил

7. Аширов А. Атаджанов Ш. Этнология. Т.: 2007 йил.

8. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Т.: 2007 йил.

Elektron ta'lim resurslari:

1. ww.tdpu.uz
2. www.Ziyonet.uz
3. www.edu.uz
4. www.ma'naviyat.Uz

МАВЗУ БЎЙИЧА ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда 136 миллат, элат, халқ ва этник гуруҳларнинг вакиллари яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий маданий урф-одатлари, анъаналари, тили, конституциявий ҳуқуқий тенгликка эга Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар борасидаги давлат сиёсатининг натижаси - демократик тараққиётнинг ҳосили сифатида 100 дан ортиқ миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Шу йўналишда марказлар тузиш бўйича 15 та ташаббускор гуруҳ иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат давлат қонуни билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати мактабларимизда 9 та миллий тилда ўқитиш ишлари, 20 тилда оммавий ахборот нашрлари фаолият кўрсатаётганлигида кўринмоқда.

**Абилов Ў.М. Ўзбекистон
тараққиётининг оптимистик руҳи**

Статистик маълумотларга кўра, дунёда 30 миллионга яқин ўзбеклар яшайди. Ўзбекистонда 28 миллион аҳолининг тахминан 20 миллиондан кўпроғини ўзбеклар ташкил этади. Шунингдек, Тожикистонда жами аҳолининг 24,4 фоизини, Қирғизистонда - 13,8 фоизини, Туркманистонда - 9,0, Қозоғистонда - 2,5 фоизини ўзбеклар ташкил қилади.
БУ МАЪЛУМОТ НОТУГРИ!!!!!!!!!!!!!!!!!!!!

Маълумотларга кўра, 2000 йилда 36 мамлакатда 40 та, 2001 йилда эса 30 мамлакатда 36 ҳарбий низо содир бўлган. Уларнинг 27 таси, яъни 75 фоизи бундан 10 йил олдин бошланган. Бу низоларнинг аксарияти бир мамлакат ичида кечганини эътиборга оладиган бўлсак, уларнинг миллий, диний ва ирқий асослардан келиб чиққан фуқаролик урушлари эканини аниқлатади.

Мундарижа

Этномаданият ва миллий ғоя муштараклиги	3
1.Миллий ғояда маънавий кадриятларга эга бўлган этнос борлиғи моҳиятининг ифодаланиши.Социализм даври халқлари онгида миллий ғояга муносабат	3
Социализм даври халқлари онгида миллий ғояга муносабат	12
2.Миллатлараро муносабатларда майда миллат ва элатлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг аҳамияти	15
3.Департация қилинган халқлар онгида этномаданиятга муносабат. Этнос миллийлигининг умуминсонийлик билан мутаносиблиги.....	17
Этнос миллийлигининг умуминсонийлик билан мутаносиблиги	22
4.Миллатлараро муносабатларда барқарорлик тараққиёт омили.Этномаданий жараёнларда толерантликнинг ифодаси	25
Этномаданий жараёнларда толерантликнинг ифодаси	42
5.Маданиятлараро мулоқот минтақавий конфликтларни ечиш омили.Этноэтикетда ахлоқий тасаввурларнинг ифодаланиши ...	47
Тестлар	53
Glossariy.....	56
Фойдаланилган адабиётлар.....	59
Мавзу бўйича тақдимот материаллари	61

